ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ 1 ОКТЯБРЬ — ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН УСТОЗ ВА МУРАББИЙЛАРГА ТАБРИК ЙЎЛЛАДИ ҲАМДА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ТИЗИМИДА АЛОҲИДА ЎРНАК КЎРСАТГАН СОҲА ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАДИ.

HUQUQ

1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan www.huquq.uz 2019-y. **3-OKTABR**, №40 (1185)

«ПАХТА ТОЗАЛАШ» АЖДАН 11 ТА ЮК МАШИНАСИДА САЛКАМ 100 ТОННА ЧИГИТ ЎҒИРЛАБ ОЛИБ ЧИҚИБ КЕТИЛДИ. 7

«ДАВР БАНК» ХОДИМИ ТАДБИРКОРНИНГ ҚАРИЙБ 20 МИЛЛИОН СЎМ ПУЛИНИ ЎЗЛАШТИРИБ ОЛДИ. 8

АВТОМОБИЛЛАРГА ГАЗ ТЎЛДИРИШ ШОХОБЧАСИ ДАВЛАТГА 88 МИЛЛИОН СЎМДАН ОРТИҚ ЗАРАР ЕТКАЗГАН. 10

ЖАРИМА ЖОЙИДА НАҚД ПУЛДА ТЎЛАНСА ВА ЙПХ ХОДИМИ УНИ ОЛСА, ИККАЛАСИ ҲАМ ЖАВОБГАРЛИККА ТОРТИЛАДИ. 11

TADBIR

АКАДЕМИЯДА ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ





Ёш авлодни билимли ва баркамол қилиб вояга етказишда ўқитувчи ва мураббийларнинг ҳиссаси беқиёс. Шунинг учун юртимизда бир неча йилдирки, 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланади. Ушбу сана Бош прокуратура академиясида ҳам муносиб байрам қилинди. 30 сентябрь куни бўлиб ўтган байрам тадбирида академия магистратурасининг илк ўқув йилига бағишланган очиқ эшиклар куни ҳам ўтказилди.

Тадбирда юртимизнинг етакчи таълим ҳамда илмий-тадқиқот муассасалари, Бош прокуратура тармоқлари вакиллари, прокуратура органлари фахрийлари, академия билан ҳамкорлик қилиб келаётган ташкилотлар вакиллари, журналистлар, ТДЮУ ва Тошкентдаги халқаро Вестминстер университети талабалари, академия ходимлари ва уларнинг оила аъзолари, магистратура тингловчилари, уларнинг ота-оналари қатнашди.

Бош прокурор ўринбосари Эркин Йўлдошев Бош прокуратура раҳбарияти номидан академия профессор-ўқитувчиларини касб байрами билан, магистратура тингловчиларини ўқув йили бошланиши билан табриклади. Меҳмонлар, магистратура тингловчилари ва уларнинг ота-оналари йиғилганларни табриклаб, магистратурага кириш имтиҳонларининг адолатли ва шаффоф ўтказилганини эътироф этишди.

Байрам муносабати билан, шунингдек прокуратура органлари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга қўшган муносиб ҳиссаси учун академиянинг бир гуруҳ ходимлари фахрий ёрлиқ, ташаккурнома ва совғалар билан тақдирланди.

Меҳмонлар академия фаолияти, ўқув жараёни билан танишиш имкониятига эга бўлди. Хусусан, академия фаолиятига оид видеоролик намойиш этилди, муассаса биноси бўйлаб экскурсия ташкил қилинди.

Тадбир давомида қизиқарли бадиий ва мусиқий дастур ташкил этилиб, меҳмонлар иштирокида викторина ва танловлар ўтказилди, ғолиблар совғалар билан тақдирланди.

Бобур АБДУЛЛАЕВ,
Бош прокуратура бошқарма прокурори



ҚУРОЛ КЎТАРГАН ЙЎЛОВЧИ

ҚОНУН ЭСА ОЛТИ ОЙДАН КЕЙИН КУЧГА КИРАДИ

4-бет

Таълим тизимидаги ўзгаришлардан хабардормисиз?



Битирувчилар кириш имтиҳонларисиз олий таълим муассасаларида 2-курсдан ўқиш ҳуқуқига эга бўлади.

5-бет



ҚУЛАЙЛИКЛАР ЕТАРЛИ, МАСЪУЛИЯТ-ЧИ?

3-бет



БОЛА СУМКАСИДАГИ ДОРИ

«Бош оғриғини қолдирувчи дори» чинакам бош оғриғи бўлди.

2-бет

САЙЁР ҚАБУЛ БЎЛИБ ЎТДИ

Сурхондарё вилояти Ангор туманининг 2-сектори штабида Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси директори Ботир Кудратхўжаев раҳбарлигида бўлиб ўтган навбатдаги сайёр қабулда вилоят, туман ҳокимияти вакиллари, вилоят прокурорининг ўринбосарлари, ҳудудда фаолият олиб бораётган корхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари иштирок этди.

Равшан НАМОЗОВ,
МИБ Сурхондарё вилояти бошқармаси бошлиғи

Қабул жараёнида муаммолар атрофлича ўрганилиб, вилоятда истиқомат қилаётган саксондан ортиқ фуқаронинг турли мавзулардаги мурожаатлари муҳокама қилиниб, уларнинг ўндан ортиқ муаммолари ҳал этилди.

Айтиш ўринлики, сайёр қабулда кўриб чиқилган мурожаатларнинг асосий қисми уй билан таъминлаш, уйни таъмирлашга ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ эди. Бундан ташқари, кредит олиш, ишга кириш билан боғлиқ мурожаатлар ҳам бор.

Мурожаатчилардан бири Термиз шаҳар Юлдуз маҳалласида яшовчи Саодат Итолмасова қизи Мажбурий ижро бюроси Термиз шаҳар бўлими томонидан ички ишлар органларига ишга тикланган муносабати билан миннатдорчилик билдирди.

Якунда айрим мурожаатларни ўз вақтида ўрганиб чиқиш бўйича масъулларга топшириқ берилди. Албатта, бу каби сайёр қабуллар фуқароларнинг муаммоларини ўз вақтида бартараф этиш имконини бераётгани билан аҳамиятлидир.



КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШДА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

2019 йил 19 сентябрь куни Бош прокуратурада БМТнинг Наркотиклар ва жиноятга қарши кураш бошқармаси (БМТ НЖҚКБ) ва Европа тикланиш ва тараққиёт банкининг (ЕТТБ) мониторинг гуруҳи вакиллари билан Марказий Осиё минтақасида фуқаролик жамияти ва хусусий сектор вакилларини коррупцияга қарши курашга жалб қилиш бўйича учрашув бўлиб ўтди.


Учрашувда мониторинг гуруҳи таркибида БМТ НЖҚКБнинг фуқаролик жамияти гуруҳи раҳбари Мирелла Думмар Фрахи, фуқаролик жамияти дастури гуруҳи ходими Андрес Франсен, коррупция ва иқтисодий жиноятларга қарши курашиш бўлими эксперти Константин Поликарски, ЕТТБ бош менежери Луиза Балби, БМТ НЖҚКБнинг Марказий Осиёда одил судлов бўйича дастури халқаро менежери Кун Маркверинг иштирок этди.

Учрашув давомида мониторинг гуруҳига республикамизда коррупцияга қарши кураш борасидаги ислоҳотлар тўғрисида маълумот берилди. Хусусан, 2017-2021 йилларга мўлжалланган бешта устувор йўналиш бўйича тараққиёт стратегияси, "Коррупцияга қарши кураш тўғрисида"ги қонун, 2019-2020 йилларда коррупцияга қарши курашиш давлат дастури ижроси ва бошқалар ҳақида алоҳида тўхталиб ўтилди.

Мирелла Думмар хоним Ўзбекистонда 2017 йилдан коррупцияга қарши курашиш борасида олиб борилаётган ислоҳотларни юқори баҳолаб, Марказий Осиёда коррупцияга қарши курашда фуқаролик жамияти ва хусусий секторнинг салоҳиятини кучайтириш бўйича кичик техник ҳамкорлик лойиҳасини ишлаб чиқиш имкониятларини қайд этди.

Шунингдек, учрашувда Марказий Осиё минтақасида фуқаролик жамияти ва хусусий секторни коррупцияга қарши курашга жалб қилиш лойиҳасини тайёрлашнинг кейинги босқичлари ва аниқ муддатлари муҳокама қилинди.

Бош прокуратуранинг жамоатчилик билан алоқалар ва ҳуқуқий ахборот бўлими



Кучли таъсир қилувчи моддалар рўйхати тасдиқланди

Сўнгги пайтларда фуқаролар, айниқса, ёшлар ўртасида кучли таъсир этувчи моддаларнинг нотиббий мақсадда истеъмол қилиниши кўпайди. Албатта, бу барчамизни ташвишга солмасдан қўймайди.

Жорий йилнинг 27 сентябрь куни ҳукуматнинг Ўзбекистон Республикасида кучли таъсир қилувчи моддалар муомаласини тартибга солиш тўғрисидаги қарори қабул қилинди.

Қарор билан 78 турдаги кучли таъсир қилувчи моддалар рўйхати ҳамда жиноий ҳаракатни таснифлашда ушбу моддаларнинг миқдор кўрсаткичлари тасдиқланди.

Шунингдек, қарор билан ушбу рўйхатга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифларни тайёрлаш эксперт гуруҳи таркиби тасдиқланди.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва бошқа ташкилотлар ҳамда ахборот воситаларининг кучли таъсир қилувчи моддаларни сотиш ҳамда уларнинг ноқонуний муомаласи бўйича ахборотини, дориларни нотиббий мақсадда истеъмол қилиш мониторинги натижаларини кўриб чиқиш эксперт гуруҳининг асосий вазифаси ҳисобланади.

Эксперт гуруҳи ўз фаолиятини жамоатчилик асосида амалга оширади.

Ўз мухбиримиз

ҚАШҚАДАРЁЛИК ФАХРИЙЛАР САМАРҚАНДДА

Ўзбекистон прокуратураси органлари фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик маркази ва Қашқадарё вилояти прокуратураси ташаббуси билан 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни олдидан Қашқадарё вилояти прокуратураси фахрийларининг Самарқандга саёҳати ташкил этилди.

Норбўта ҒОЗИЕВ,
"Huquq"

Самарқанд — маънавият бешиги, илм-фан маскани. Бу замин тупроғининг ҳар заррасида улуғ бир ҳикмат, ҳар кўчаси, майдон ва хиёбонида салобат, файзу тароват бор. Кўҳна кентнинг ҳар бир ғиштида бунёдкор халқимизнинг буюк истеъдоди, боқий қадриятлари мужассам. Шу боис Самарқандга саёҳат фахрийларни қувонтириб юборди. Улар саёҳатни Челак туманидаги Маҳдуми Аъзам ва буюк муҳаддис Исмоил Бухорий қадамжоларини зиёрат қилишдан бошлашди. Самарқанднинг жаҳоний шуҳрати ва илм-маърифати ривожига Амир Темур бобомиз беқиёс ҳисса қўшгани ҳеч кимга сир эмас. Фахрийлар буюк соҳибқирон Амир Темур ва Ўзбекистоннинг биринчи президенти Ислом Каримов қабрини зиёрат қилишди.

— Мен ўтган йили ҳам Самарқандга келганман, — дейди прокуратура фахрийси Мусо Шарипов. — Бир йил ичида шаҳарда бўлган ўзгаришни, ободончилик ишларини кўриб, ҳайратда қолдим. Ободлик кўнгилдан бошланади деган фикр бежиз айтилмаган.

— Инсон хотира билан тирик, қадр билан улуғ. Ўтганларни хотирлаш, уларнинг эзгу амалларини ёдга олиш савобли иш, — дейди прокуратура фахрийси, Ўзбекистон прокуратураси органлари фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик маркази Қашқадарё вилояти бўлимининг бошлиғи Бобомурод Анваров. — Эзгу ишлари билан эл орасида ҳурмат топганлар хотирасини халқимиз ҳеч қачон унутмайди.

— Ташкилотчиларга, қолаверса, меҳмоннавозлик билан кутиб олиб ҳамроҳлик қилган Самарқанд вилояти прокуратураси раҳбариятига чуқур миннатдорчилик билдирамиз, — дейди прокуратура фахрийси Шомурод Қўшоқов. — Шундай иш тиғиз пайтда ҳам бизнинг ҳузур-ҳаловатимизни ўйлаб саёҳат ташкил этишгани кўнглимизни тоғдай кўтарди. Куниимиз кўнгилли ўтди ва мириқиб ҳордиқ чиқардик.

Самарқандга келаётган саёҳатчиларнинг кети узилмайди. Бу кўҳна шаҳарга келаётганлар учун жаҳон андозаларига мос қулайликлар яратилмоқда. Амир Темур жомеъ масжиди, Шоҳизинда зиёратгоҳи қайтадан чирой очиб, Сиёб бозори икки баравар кенгайтирилгани, йўллар таъмирланиб, ободончиликка катта эътибор берилаётгани ана шундан далолатдир.

Самарқанднинг муқаддас қадамжоларини, диққатга сазовор жойларини, оромгоҳ, кўча ва хиёбонларини томоша қилган прокуратура фахрийлари бой таассуротлар билан ортга қайтишди.

БОЛА СУМКАСИДАГИ ДОРИ

Халқимизда "Шаҳар бедарвоза эмас" деган нақл бор. Яъни, ҳар бир нарсани олиб кириш ва олиб чиқишнинг ўз қонун-қоидаси бўлади. Мамлакатимизга таркибида наркотик ва психотроп моддалар бўлган дорилар ноқонуний келтирилишининг олдини олишга божхоначилар масъул ҳисобланади.

Муҳаррам ҲАМРОЕВА,
Самарқанд вилояти прокуратураси бўлим прокурори

Россияда ишлаб қайтаётган Раҳим (исм-фамилиялар ўзгартирилган) 1996 йилдан бери вилоят руҳий касалликлар шифохонасида рўйхатда турувчи онасига "Феназепам" дорисини олиб келаётганди. Уни Ўзбекистонга божхона назоратидан яшириб олиб киришни режалаштирди. Акаси оиласи билан Москвада яшарди. Ўқув йили бошланаётгани учун қизи Дилдорани ҳам олиб кетишини сўраганди.

Раҳим жияни божхона ходимларини шубҳалантирмайди деб ўйлади шекилли, унинг сумкасига дориларни жойлади. Улар "Самарқанд" халқаро аэропортида яшил йўлакни танлаган ҳолда махсус аппаратда текширувдан ўтаётганда сумкада дори борлиги аниқланди. Раҳим божхона ходимларини "бу бош оғриғини қолдирувчи дори" деб чалғитишга уринди. Сумка кўздан кечирилганда эса жами 250 дона "Феназепам" дорисини қонунга хилоф равишда олиб киргани аниқланди. Бу билан у Вазирлар Маҳкамасининг "Дорилар ва тиббий буюмларни жисмоний шахслар томонидан шахсий фойдаланиш учун олиб кириш ҳамда олиб чиқиш тартиби тўғрисида"ги низом талабларини қўпол равишда бузган эди.

Суд ҳукми билан Раҳим Собировга 5 йил озодликни чеклаш жазоси тайинланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпинга ХХР ташкил топганининг 70 йиллиги муносабати билан табрик йўллади.

НОМЗОДЛАР ТЎҒРИСИДА ЁЛҒОН МАЪЛУМОТ ТАРҚАТИЛСА...

2019 йил 22 декабрь – Ўзбекистон Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашлар депутатлари сайлови куни деб белгиланди.

Қўчқор РАҲИМОВ,
Жўрабек РАҲМОНОВ,
Хоразм вилояти прокурорининг катта ёрдамчилари

Фуқароларнинг сайлов билан боғлиқ ҳуқуқларини, давлат бошқаруви идоралари фаолиятини такомиллаштириш мақсадида 2019 йилнинг 25 июнида Сайлов кодекси қабул қилинди.

Мазкур кодекснинг ўзига хос жиҳати шундаки, унда Ўзбекистон Президенти, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Олий Мажлис Сенати аъзолари, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгаши депутатлари сайловини ўтказиш ҳамда Ўзбекистон фуқароларининг хоҳиш-иродасини эркин билдиришига оид нормалар белгиланган.

Сайлов кодексининг 3-моддасига мувофиқ Ўзбекистонда сайлов умумий, тенг, тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш орқали ўтказилади.

Кодексдаги муҳим нормалардан бири сайловолди ташвиқотига бағишланган. Хусусан, 44-моддада сайловолди ташвиқоти сайлов кампанияси даврида амалга ошириладиган ва сайловчиларни номзодни ёки сиёсий партияни ёқлаб овоз беришга ундашга қаратилган фаолият экани белгиланиб, сайловолди ташвиқоти номзодларни рўйхатга олиш учун белгиланган охирги куннинг эртасидан бошланиши, сайлов куни ва овоз беришга бир кун қолганида ташвиқотга йўл қўйилмаслиги кўрсатиб ўтилган. Шунингдек, ташвиқотни сайловчиларга бепул ёки имтиёзли шартларда товар бериш, хизмат кўрсатиш, пул бериш билан қўшиб олиб бориш мумкин эмас. Нотўғри ахборотни, номзодларнинг шаъни ва қадр-қимматига путур етказадиган маълумотларни тарқатиш тақиқланади.

Сайлов кодексининг 46-моддасига мувофиқ сайловда қатнашаётган барча номзодларга ташвиқот учун бир хил шароит яратилади. Хусусан, ташвиқот олиб борилаётганда давлат оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда ҳажмига кўра бир хил бўлган эфир вақтини ва нашр майдонини бепул бериш йўли билан тенг шароит таъминланади.

Давлат ОАВда ҳақ эвазига ҳам эфир вақти ёки нашр майдони ажратилиши мумкин.

Нодавлат ОАВда қонун ҳужжатларига мувофиқ эфир вақти ёки нашр майдони ажратилиши мумкин.

ОАВ томонидан эфир вақти, нашр майдони учун белгиланадиган ҳақ тўлаш шартлари ҳамда бошқа талаблар барча учун тенг ва бир хил бўлиши керак.

Ташвиқот мақсадида ОАВдан фойдаланиш тартиби, ҳажми ва вақти сиёсий партиялар билан келишилган ҳолда сайлов комиссияси томонидан белгиланади.

Бундан ташқари, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини ҳал қилишга ҳам алоҳида эътибор берилган. Хусусан, Сайлов кодексининг 101-моддасига кўра сайлов комиссиялари сайлов кампаниясини ўтказиш даврида жисмоний ва юридик шахсларнинг ушбу кодекс талаблари бузилгани ёки сайловга оид бошқа масалалар ҳақидаги мурожаатларини ўз ваколати доирасида кўриб чиқиши, ушбу мурожаатлар бўйича текширув ўтказиши ва уч кун ичида уларга ёзма жавоб бериши, сайловга камида олти кун қолганида ёки овоз бериш куни келиб тушган мурожаатларни эса дарҳол кўриб чиқиб, жавоб қайтариши шарт.

Кодекснинг 102-моддасига мувофиқ депутатликка номзод кўрсатган сиёсий партиялар, депутатликка номзодлар, ишончли вакиллар, кузатувчилар ва сайловчилар сайлов комиссиясининг қарори устидан ушбу қарор қабул қилинганидан кейин ўн кун ичида юқори турувчи сайлов комиссиясига ёки судга шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

Кодекснинг 103-моддасида сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузган шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлиши кўрсатиб ўтилган.


МЖТКнинг V[1] бобида қуйидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик белгиланган:

— Марказий сайлов комиссиясининг, сайлов комиссияларининг, референдум комиссиясининг фаолиятига аралашиш;

— Марказий сайлов комиссиясининг, сайлов комиссияларининг, референдум комиссиясининг қарорларини ижро этмаслик;

— номзоднинг, ишончли вакилнинг, кузатувчининг ёки сиёсий партия вакилининг ҳуқуқларини бузиш;

— сайловолди ташвиқотини, референдумга қўйилган масалалар юзасидан ташвиқот олиб бориш тартибини бузиш;



— номзодлар, сиёсий партиялар тўғрисида ёлғон маълумот тарқатиш;


— сайловга ёки референдумга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнида ахборот ҳамда ташвиқот материалларини йўқ қилиб юбориш ёки уларга шикаст етказиш;

— сайловни ёки референдумни молиялаштириш тартибини бузиш;

— жамоатчилик фикрини, сайлов ёки референдум натижаси ҳақидаги тахминларни чоп этиш (эълон қилиш) тартибини бузиш.

Шунингдек, Жиноят кодексининг 146, 147-моддаларида сайлов ёки референдум тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш, сайлов ҳуқуқининг ёки ишончли вакил ваколатларининг амалга оширилишига тўсқинлик қилиш учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, Сайлов кодекси фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилган. Фуқаролар сайловда фаол қатнашса сайланадиган вакиллик органларини шакллантиришда, шу орқали давлат бошқарувида фаол иштирок этган бўлади.



ҚУЛАЙЛИКЛАР ЕТАРЛИ, МАСЪУЛИЯТ-ЧИ?

Фарзандларни чиройли, ақлли-одобли қилиб тарбиялаш ҳар бир ота-онанинг орзуси. Ота-она фарзанд тимсолида ўзининг орзу-умидларини кўради. Ҳатто бу бахтни миллионлаб маблағга, олтинга ҳам топиб бўлмайди. "Дунёда болам деб яшайди ўзбек" деб ёзган шоир халқимизнинг нечоғлик болажон эканини биргина сатрда чиройли ифодалаб қўйган. Дарҳақиқат, халқимиз фарзанд камоли учун яшайди, бу йўлда борини аямайди. Шу боис вояга етмаганларга ғамхўрлик қилиш давлатимиз сиёсатининг бош йўналишларидан бири ҳисобланади.

Лазиз ҲАМРОЕВ,
Деҳқонобод тумани прокурори

Деҳқонобод туман прокуратураси туман тиббиёт бирлашмасида вояга етмаганларнинг соғлиғини сақлаш, аҳолининг тиббий кўригини ташкил этиш, касалликларни эрта аниқлаш, даволаш ва профилактика қилиш аҳволини ўрганди.

Ўрганишда Президентимизнинг 2017 йил 25 декабрдаги "2018-2022 йилларда болада туғма ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш давлат дастури тўғрисида"ги қарори ва соғлиқни сақлаш вазирининг 2017 йил 18 мартдаги "Аҳоли репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, аҳолини патронаж хизмати ва профилактик кўриклар билан қамраб олиш юзасидан амалга оширилган ишларни янада такомиллаштириш тўғрисида"ги буйруғини бажаришда хато ва камчиликларга йўл қўйилаётгани аниқланди.

Тумандаги 140600 нафар аҳолининг 53063 нафари 18 ёшгача бўлганлардир. Улар тиббий кўрикдан ўтказилганда 4766 тасида турли хил касалликлар аниқланган. Энг ачинарлиси, 2019 йилнинг 5 ойида 10 та бола вафот этган бўлиб, бу борадаги кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан иккитага ошган.

Болалар ўлимининг кўпайиши ҳудудда фуқароларга тиббий-санитария ёрдами кўрсатиш билан боғлиқ чора-тадбирлар амалга оширилмагани, ҳомиладор аёлларнинг тиббий кўрикдан тўлиқ ўтказилмагани, ўз вақтида скрининг маркази текширувига йўлланма берилмагани, касалликни барвақт аниқлаш ҳамда даволашга кечикиб киришилгани, хавф гуруҳига кирувчи ҳомиладор аёлларни доимий патронаж кузатувидан ўтказиш тегишли талаблардан келиб чиқиб ташкил этилмагани натижасида вужудга келгани аниқланди.

Хусусан, Деҳқонобод тумани тиббиёт бирлашмасига қарашли Чучуқкудуқ қишлоқ врачлик пункти мудири Ч.Маликов ўзига юклатилган вазифаларни лозим даражада бажармагани оқибатида "Чучуқкудуқ" маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи икки бола пневмония ва ЎРК гипертонияси, қалтироқ-талваса синдроми туфайли вафот этган. Шунингдек, 2-қишлоқ оилавий поликлиникаси умумий амалиёт врачи М.Ёқубовнинг масъулиятсизлиги туфайли "Белибойли" маҳалла фуқаролар йиғини Кичикавжун қишлоғида яшовчи гўдак асфиксия касаллигидан вафот этгани аниқланди.

Туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғининг буйруғи билан 2017 йил март ойидан бошлаб тиббиёт бирлашмаси ва барча қишлоқ врачлик пунктларида аҳолини патронаж хизмати ва профилактик кўриклар билан қамраб олиш штаблари тузилган бўлса-да, штаб аъзолари ва жойлардаги муассасалар томонидан бу борада қилинаётган ишлар самараси кўзга ташланмаяпти.

Репродуктив саломатлик кўрсаткичлари бўйича мониторинг натижаси ҳақидаги кунлик ва ойлик ҳисоботларни йиғиш ва умумлаштириш туман тиббиёт бирлашмаси туғруқ бўлими бошлиғи зиммасига юклатилган бўлса-да, бу тадбирга етарли эътибор қаратилмаган.

Туман тиббиёт бирлашмасида соҳага оид буйруқлар чиқарилиши, йиллик режалар тузилиши, штаб ишини назорат қилиш, жойлардан маълумот ва ҳисоботларни қабул қилиб таҳлил этиш ачинарли аҳволда. Вилоятнинг бошқа туманлари аҳолисига нисбатан туманимиз аҳолиси тарқоқ ҳолда жойлашган. Бу ҳолат ҳомиладор аёлларни, чақалоқларни ўз вақтида текширувдан ўтказишда қийинчилик туғдириши та-

> *Туманда 2019 йилнинг 5 ойида 10 нафар бола вафот этган.*

биий. Соҳага масъул раҳбарлар ва тиббиёт ходимларидан бу борада кўпроқ меҳнат қилиш талаб этилади. Аммо афсуски, ҳомиладор аёллар ва чақалоқларда патологияни барвақт аниқлаш ишлари уюшқоқлик билан олиб борилмаяпти.

Туман тиббиёт бирлашмасига қарашли кўп тармоқли марказий поликлиникада "Перинатал ташхис маркази" ташкил этилган ва у зарур тиббиёт асбоблари, инвентарлар билан таъминланган. Бироқ давлатимизнинг миллионлаб маблағи эвазига яратилган бу қулайликдан туман аҳолиси тўлиқ бохабар деб бўлмайди. Марказнинг иш услуби, имкониятлари ва ҳомиладор аёллар кўриги учун қулайликлари етарли тарғиб қилинмаган. Узоқ ҳудудда яшовчи туғруқ ёшидаги ва ҳомиладор аёлларни шу жойда кўрикдан ўтказиш ишлари талаб даражасида йўлга қўйилмаган.

Текшириш натижаларига кўра туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи номига камчиликларни бартараф этиш тўғрисида тақдимнома киритилди. Тўрт нафар тиббиёт ходимига интизомий жазо — ҳайфсан берилди.

Ўзбекистон вакили БМТ Бош Ассамблеяси 74-сессияси раиси ўринбосари сифатида фаолият бошлади.

ҚУРОЛ КЎТАРГАН ЙЎЛОВЧИ

қонун эса олти ойдан кейин кучга киради

Носир Хўжаевнинг (исм-фамилиялар ўзгартирилган) уйи бузилиб, ўрнига кўп қаватли уй қуриладиган бўлди. Шу боис янги уйи битгунча ижарада яшашига тўғри келди. У ижарага олган уйига кўчаётганида марҳум бобосидан қолган ов милтиғини ҳам олиб кетди. Аслида қуролнинг ҳеч қандай ҳужжати йўқ эди.



Рустам ИСЛОМОВ,
Самарқанд вилояти прокуратураси бўлим катта прокурори

У таниши Рафиқ ва Жамил билан қурилишда ишлайди. Ўша куни иш тугагандан сўнг учови бир ошхонага кириб овқатланишди. Кечки овқат спиртли ичимликсиз ўтмади.

— Энди меникида давом эттирамиз, — деди Носир ва қўймай уларни уйига олиб кетди.

Бу ерда ҳам шаробхўрликни давом эттиришди. Жамил кўп ўтирмай, уйига кетиб қолди. Носир билан Рафиқ эса алламаҳалгача гурунглашиб ўтиришди. Ана шу суҳбат жараёнида Рафиқ қурол тўғрисида гапириб, янги қонун қабул қилинганини, энди одамлар ўзини ҳимоя қилиш учун бемалол қурол олиб юриши мумкинлигини айтди. Шу пайт Носир "ҳозир сенга бир нарса кўрсатаман" деб ётоқхонасидан эски милтиқни кўтариб чиқди. Буни кўриб, Рафиқ ҳайрон қолди.

— Ҳақиқийми? — деди қизиқиб.

— Ҳа, бобомдан эсдалик.

Рафиқ қуролга жуда қизиқиб қолди.

— Менга совға қилмайсанми? — деб сўради.

— Майли, олавер, — деди ичкилик таъсирида сахийлиги тутиб кетган Носир.

Бироздан сўнг Рафиқ қуролни олиб уйига кетди. Кўчага чиқиб таксига ўтирди. Ҳайдовчи пича юргач, йўловчининг қўлидаги милтиқни кўриб қолиб, "узр, ака, йўлим эмас экан" деб Рафиқни тушириб кетди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмасдан ИИБ ходимлари пайдо бўлди. Рафиқдан қуролни олиб, уни расмийлаштиришди.

Рафиқ Пардаевдан олиб қўйилган милтиқ 1964 йили Ижевск шаҳридаги заводда ишлаб чиқарилгани ва отишга яроқлилиги аниқланди.

Ҳужжатсиз қурол сақлаган Носир Хўжаевга суд ҳукми билан 4 йилу 6 ой, Рафиқ Пардаевга эса 2 йилу 6 ой озодликни чеклаш жазоси тайинланди.

Хулоса қиладиган бўлсак, аслида Рафиқ айтган "Қурол тўғрисида"ги қонун 2019 йилнинг 29 июль куни қабул қилинган ва олти ойдан кейин кучга кириши белгиланган. Лекин қонуннинг талаби Рафиқ Пардаев тасаввур қилганидек эмас. Қолаверса, баъзи фуқаролар энди қурол сотиб олиб, бемалол олиб юриш мумкин экан деган ўйда бўлса, бошқалари юртимизда ҳам ўқотар қуроллар чет элларда гидек эркин сотилади, натижада бизда ҳам отишмалар бўлади деган хаёлга бормоқда. Ҳатто бундай фикрлар ижтимоий тармоқларда ҳам кенг тарқалди.

Аслида бу қонун нега керак бўлди, амалдаги тартиб қанақа?

Ҳозирги кунда ҳам рухсатнома асосида маълум турдаги қуроллардан фойдаланиш мумкин. Бу соҳа ўндан ортиқ қонун ҳужжати билан тартибга солинади. Лекин ушбу ҳужжатлар қамраб олмаган кўплаб жиҳатлар мавжуд эди. Масалан, сўнгги пайтларда юртимизга кириб келаётган, бемалол сотиб олиш мумкин бўлган пневматик, газли ва электр қуроллар муомаласи етарлича тартибга солинмаганди. Оқибатда озми-кўпми нохуш ҳодисалар содир бўлаётганини эшитаяпмиз. Мазкур қонун билан ушбу масала ҳам тартибга солинадиган бўлди.

Хусусан, қонунда фуқаролар ов (милтиқ, пичоқ) ва спорт (ўқотар қурол, камон, найза, қилич, пневматик қурол) билан шуғулланиш учун, шунингдек ўзини ҳимоя қилиш мақсадида қуролга (газли, электрошок) эгалик қилиши мумкинлиги белгиланган. Яъни ов қуролидан фақат овда, спорт қуролидан мусобақалар ва машғулотларда фойдаланиш керак.

Кўриниб турибдики, айримлар тахмин қилаётгандай фуқаролар исталган турдаги қуролга эгалик қила олмайди. Бу борада қатъий чеклов ўрнатилган.

Шу билан бирга, қонунда пневматик қурол, газли қуролга таъриф берилиб, улардан фойдаланишнинг аниқ тартиби белгилаб қўйилган.

Таъкидлаш жоизки, қонунга биноан ҳозир ҳам фуқаролар бу турдаги қуролларга эгалик қилиши мумкин. Янги қонун эса фуқароларга қуролларга эгалик қилиш, улардан фойдаланишда айрим чекловларни белгиламоқда. Жумладан, "Қурол тўғрисида"ги қонунга кўра фуқаролар эндиликда қурол (ов қуроли, спорт қуроли ва ўзини ҳимоя қилиш қуроли) олиш учун рухсатномани Миллий гвардиядан олишади.

Бу жараёнда фуқаролар текширилади. Яъни, муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланганлар, жиноят иши қўзғатилганлар ёки жиноий жазони ўтаётганлар, қуролга эгалик қилишга монелик қиладиган касалликлар ёки жисмоний нуқсонлари мавжуд фуқаролар ёхуд жамият учун хавфли шахсларга қурол сақлашга рухсат берилмайди.

МАЖБУРИЙ МЕҲНАТ УЧУН ЖАРИМА



Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида жорий йилнинг 4 сентябрь куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида пахта йиғим-теримини тизимли ташкил қилиш, бу жараёнда болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатнинг олдини олиш бўйича берилган топшириқлар ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 сентябрдаги "2019 йил пахта ҳосилини йиғиб-териб олиш ишларини уюшқоқлик билан ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 752-қарори ижросини таъминлаш юзасидан назорат тадбирлари амалга оширилмоқда.

Карим ТЕМИРОВ,
Бухоро вилояти прокуратураси бўлим бошлиғи

Маълумотларга кўра Бухоро вилоятида бу йил 106 минг гектар ерга чигит экилиб, 318,3 минг тонна пахта етиштириш режалаштирилган. Ҳосилни ўз вақтида йиғиб олиш мақсадида 2164 та терим отрядига 190,9 минг нафар теримчи бириккан. Теримга жалб этиладиган 3900 нафар ҳашарчи учун вилоятнинг 7 та туманида 78 та шийпон ҳамда бошқа мослаштирилган бинолар тайёрлаб қўйилган. Теримчиларни ташиш учун 338 та, пахта ташиш учун 2150 та транспорт ва 3667 та тиркама соз ҳолатга келтирилган.

Тижорат банклари томонидан теримчиларига терим пулини ўз вақтида тарқатиш учун 311 нафар ходим бириктирилди. Шунингдек, пахта-тўқимачилик кластерларига терим пули учун жами 220,4 млрд. сўм кредит ажратиш белгиланган. Вилоятдаги прокурорлар секторида режадаги 72,8 минг тонна пахтани териб олиш учун 496 та отряд тузилди. Теримчилар учун етарли шароитлар яратилди.

Топшириққа биноан вилоят ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари, барча туман, шаҳар ҳокимлари ва давлат бошқаруви органлари, олий ўқув юртлари раҳбарлари таълим, соғлиқни сақлаш соҳалари ва бошқа бюджет ташкилотлари ходимларини ҳамда фуқароларни пахта йиғим-теримига мажбурий жалб қилмаслик ҳақида расман огоҳлантирилди.

Президентимизнинг 4 сентябрдаги топшириғини бажариш мақсадида тарғибот тадбирлари ўтказилмоқда. Уларда мажбурий меҳнатга жалб қилишга қарши курашиш, бунинг учун жавобгарликни кучайтиришга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмуни тушунтирилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, меҳнатга маъмурий тарзда мажбурлаганлик учун маъмурий жазо чоралари белгиланган. Меҳнатга бирор-бир шаклда маъмурий тарзда мажбурлаганлик учун энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ўттиз бараваригача жарима жазоси тайинланиши мумкин. Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо қўлланганидан кейин бир йил ичида такроран содир этилса энг кам иш ҳақининг ўттиз бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима солинади.

Вояга етмаган шахсни мажбурий меҳнатга жалб қилганларга энг кам иш ҳақининг ўттиз бараваридан эллик бараваригача жарима солинади.

Вояга етмаган шахсни мажбурий меҳнатга жалб қилиш энг кам иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима солинади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 104-моддаси билан қўзғатилган маъмурий ишлар кўриб чиқиш учун судларга юборилди.

Назорат тадбирларида аниқланган камчиликлар прокурор назорати ҳужжатлари орқали бартараф қилиб борилмоқда.

2019 йил 27 сентябрь куни «Россия Федерациясининг Екатеринбург шаҳрида бокс бўйича бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида юқори натижаларга эришган спортчи ва мураббийлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги Президент фармони қабул қилинди.

ТАЪЛИМ ТИЗИМИДАГИ ЎЗГАРИШЛАРДАН ХАБАРДОРМИСИЗ?

Мамлакатимиз аҳолисининг 30 фоизи ёки 12 миллиондан ортиғи ёшлар ва болалардир. Шу боис таълим тизимини такомиллаштириш, меҳнат бозорининг замонавий талабларига мувофиқ юқори малакали кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 6 сентябрдаги "Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони ҳам ёш авлоднинг истиқболини кўзлаб қабул қилинган десак, муболаға бўлмайди.

Сарвар АҲМЕДОВ,
Бош прокуратура бошқарма прокурори

Мазкур фармонда профессионал таълим дастурлари ЮНЕСКОнинг Таълимнинг халқаро стандарт таснифлагичи (ТХСТ) даражалари билан уйғунлашмагани, ўқув жараёнига Ўзбекистоннинг миллий квалификация тизими тўлиқ жорий этилмагани тайёрланаётган кадрларнинг меҳнат бозорида муносиб ўрин эгаллашига тўсқинлик қилаётгани таъкидланган. Шу билан бирга, профессионал таълим тизимини илғор хорижий тажрибалар асосида такомиллаштириш, бошланғич, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълим босқичларини жорий қилиш орқали меҳнат бозори учун малакали ва рақобатбардош кадрлар тайёрлаш ҳамда мазкур жараёнга иш берувчиларни кенг жалб қилиш бўйича қатор вазифалар белгиланди. Энг муҳими, 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб Ўзбекистонда ТХСТ *(кейинги ўринларда – халқаро таснифлагич)* даражалари билан уйғунлашган янги бошланғич, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълим тизими ҳамда табақалаштирилган таълим дастурлари жорий этиладиган таълим муассасалари тармоғи ташкил этилиши белгиланди. Фармонга мувофиқ профессионал таълим муассасаларига халқаро таснифлагич бўйича асосий таълим дастурларидан ташқари қуйи даражадаги таълим дастурлари бўйича кадрлар тайёрлаш ҳуқуқи берилади. Шу жумладан, тизимда касб-ҳунар мактаблари, коллежлар ва техникумлардан иборат профессионал таълим муассасалари тармоғи ташкил этилади.

> *Умумтаълим муассасаларининг 9-синф битирувчилари ҳисобидан шакллантирилган ҳунар мактаблари ўқувчилари стипендия ҳамда уч маҳал овқат билан таъминланади.*

Ҳунар мактабларида умумтаълим муассасаларининг 9-синф битирувчилари ҳисобидан шакллантирилган гуруҳларда икки йиллик умумтаълим ва мутахассислик фанларининг интеграциялашган дастурлари асосида кадрлар тайёрланади. Ўқувчилар давлат бюджети ҳисобидан базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдорида ойлик стипендия ҳамда уч маҳал овқат билан таъминланади ёки овқат пули тўлаб берилиши ҳам мумкин. Кадрлар тайёрлаш харажатлари давлат бюджети ҳисобидан амалга оширилади.

Коллежларда эса кадрлар халқаро таснифлагичнинг камида 3-даражасига мос таълим дастурларини тамомлаган, камида умумий ўрта маълумотга эга бўлган шахслар ҳисобидан касблар ва мутахассисликларнинг мураккаблигидан келиб чиққан ҳолда икки йилгача муддатда кундузги, кечки ва сиртқи таълим шаклида давлат буюртмаси ҳамда тўлов-контракт асосида тайёрланади. Харажатлар вазирлик ва идораларнинг бюджетдан ташқари маблағи, ўқувчиларни давлат буюртмаси ва тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушадиган маблағ ҳамда қонунда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

Техникумларда кадрлар тайёрлаш халқаро таснифлагичнинг камида 3 ёки 4-даражасига мос таълим дастурларини тамомлаган, камида умумий ўрта маълумотга эга бўлган шахслар ҳисобидан шакллантирилган гуруҳларда касблар ва мутахассисликларнинг мураккаблигидан келиб чиққан ҳолда икки йилдан кам бўлмаган муддатда кундузги, кечки ва сиртқи таълим шаклида давлат буюртмаси ҳамда тўлов-контракт асосида амалга оширилиши белгиланди.

Энди ўрта махсус таълим дастурларини муваффақиятли тамомлаган битирувчилар ўз соҳасига мос бакалавриат таълим йўналишлари бўйича кириш имтиҳонларисиз, якка тартибдаги суҳбат орқали олий таълим муассасаларида 2-курсдан ўқишини давом эттириш ҳуқуқига эга бўлади.

Асосийси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳунар мактаблари, коллежлар ва техникумларга идоравий бўйсунувидан қатъи назар ўқув-методик раҳбарлик қилиши ҳамда бу соҳада давлат сиёсатини юритиши қатъий белгилаб қўйилди.


Бундан ташқари, Халқ таълими вазирлиги ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясининг умумий ўрта таълим муассасаларининг 10-11-синфлари ўқувчиларига касбий таълим беришга ихтисослашган ўқув-ишлаб чиқариш мажмуаларини тугатиш тўғрисидаги таклифига розилик берилди, мазкур мажмуалар тугатилиши ҳисобига бўшайдиган маблағ профессионал таълим тизимини молиялаштиришга йўналтирилиши белгиланди.

Фармонга мувофиқ Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Савдо-саноат палатаси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой ичида миллий квалификация тизимига мувофиқ Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчи касблари классификаторини қайта кўриб чиқади, шунингдек, илғор хорижий тажриба асосида уч ой муддатда миллий квалификация рамкасини, 2020 йил 1 январгача иқтисодиётнинг барча тармоқлари учун квалификация рамкаларини, 2020 йил 1 апрелгача Миллий профессионал стандартларни ишлаб чиқади ва амалиётга жорий этади.


Шу билан бирга Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига ҳам бир қатор вазифалар юкланди. Жумладан, вазирлик икки ой муддатда бошланғич, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълим тўғрисидаги низомни тасдиқлаши, уч ой ичида эса ҳунар мактаблари, коллежлар ва техникумларнинг намунавий уставларини тасдиқлаши лозим бўлади.

Фармонда 2020 йил 1 январгача ҳудудларда инвестициявий лойиҳалар асосида яратилаётган иш ўринлари, кадрларга бўлган реал эҳтиёждан келиб чиқиб, таълим муассасаларининг ихтисослашувини инобатга олиб мавжуд жиҳозларнинг қайта тақсимланиши ҳамда 2020 йил 1 апрелгача идоравий бўйсунувидан қатъи назар профессионал таълим муассасаларининг ўқитувчи ва усталарини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг янги тизимини жорий этишни назарда тутувчи ҳукумат қарори лойиҳалари Вазирлар Маҳкамасига киритилиши белгилаб қўйилди. Шу жумладан, 2020 йил 1 июнгача бошланғич, ўрта ва ўрта-махсус профессионал таълим тизими учун таълим дастурлари ишлаб чиқилиши ва тасдиқланиши керак.

Хуллас, профессионал таълим тизимини такомиллаштиришга қаратилган ушбу фармон малакали кадрлар тайёрланишига, шу орқали мамлакатимизнинг янада тараққий этишига хизмат қилади.



Ҳукумат қарорига мувофиқ 2019 йилдан бошлаб ҳар йили октябрь ойининг биринчи ҳафтаси «Кексалар ҳафталиги» этиб белгиланди.



MUNOSABAT

ГУВОҲЛАР СУДЛАНУВЧИГА АЙЛАНДИ

Жаҳонгир ЖАБАРОВ,
Қарши транспорт прокурорининг ёрдамчиси

Қарши транспорт прокуратураси томонидан Ички ишлар вазирлиги транспорт ички ишлар бошқармаси нефть МТК АМБ Ховос отряди Қарши гуруҳи командири вазифасини бажарувчи А.Жалиловга нисбатан қўзғатилган жиноят иши бўйича дастлабки тергов ва суд терговида мазкур отряд ходимлари Олимжон Ёқубов ва Ўрол Исмоилов гувоҳ сифатида сўроқ қилинган эди. Жиноят кодекси талабига кўра огоҳлантирилган бўлса-да, улар судланувчи А.Жалиловга пул йиғиб беришмаганини, ўша пайтда раҳбарларнинг руҳий босими билан ҳужжатларга қўл қўйиб беришганини қайд этишган. Бу билан суд органининг нормал фаолиятига тўсқинлик қилиб, билатуриб ёлғон гувоҳлик беришгани аниқланди.

Жиноят ишлари бўйича Қарши шаҳар суди ўтказган суд мажлисига улар гувоҳ сифатида эмас, судланувчи сифатида чақирилди. Судланувчиларнинг иккаласи ҳам айбига иқрор бўлмади. Уларнинг таъкидлашича, А.Жалилов уларга тазйиқ ўтказиб, барча ходимлардан комиссия харажатларига деб пул йиғиб беришни талаб қилгани, "хоҳласангиз шу, бўлмаса Ховосга бориб ишлайсизлар" дея таҳдид қилгани ҳақида дастлабки терговда гувоҳлик беришган, аммо энди буни тасдиқламайдилар, буни транспорт ички ишлар бошқармаси нефть МТК АМБ бошлиғи Н.Ҳамдамов "терговчи нима деса, шуни қиласан" деб айтгани учун айтишга мажбур бўлишган.

Бироқ ёлғоннинг миси чиқиши аниқ. Уларнинг жинояти суд мажлисида гувоҳларнинг кўрсатувлари, Ховос отряди Қарши гуруҳи ходимларининг А.Жалиловнинг ҳаракатларидан норози бўлиб берган аризалари, суднинг А.Жалиловга нисбатан чиқарган ҳукми сингари бир қатор далиллар билан ўз исботини топди.

Суд ҳукми билан Олимжон Ёқубов ва Ўрол Исмоиловга бир йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинланди.

Ҳа, жиноят ҳақиқати ва адолати тамойилида гувоҳларнинг аҳамияти катта. Гувоҳнинг кўрсатуви орқали жиноятнинг қай тарзда, ким томонидан содир этилганига ойдинлик киритилади. Бу борадаги ёлғон кўрсатувлар қанчадан-қанча инсонларнинг тақдирини ўзгартириб юбориши, энг ёмони, адолатга путур етказиши мумкин. Шу боис гувоҳнинг зиммасидаги масъулият жуда залворли экани шубҳасиз. У айтаётган ҳар бир сўзининг қийматини аниқ билиши, бу жараёнга виждон амри билан ёндашиши керак. Акс ҳолда юқоридаги "қаҳрамон"ларимиз ҳолига тушиб қолиш ҳеч гап эмас...

СЎЗ АЙЛАДИ ИНСОННИ ЖУДО ҲАЙВОНДИН...

Руҳшуносларинсоннинг феълини аниқлашнинг бир нечта усулини ишлаб чиққан. Масалан, қайси жанрдаги бадиий асарлар кўпроқ қизиқтириши, қандай мусиқа тинглаши, қандай кийинишига қараб кишининг характерини билиб олиш мумкин. Бироқ феъл-атворнинг қандайлигини аниқлаб берувчи асосий омил инсондаги муомала маданиятидир. Киши айнан муомаласи туфайли ўзгалар орасида ҳурмат қозониши ва, аксинча, ҳурматини йўқотиши мумкин.

Норбўта ҒОЗИЕВ,
"Huquq"

Шу маънода журналист Ғофуржон Алимовнинг "Ҳуқуқ" газетасининг 2019 йил 12 сентябрь сонида чоп этилган "Хушмуомалалик — инсон зийнати" мақоласида долзарб мавзу қаламга олинган. Ҳақиқатан ҳам хушмуомалалик, вазиятга қараб гапни топиб гапириш ҳам санъат. Тушининг таъбирини сўзлар экан, бир киши подшоҳга барча қариндошларингиз вафот этиб, бир ўзингиз қолдиз деганида подшоҳ уни ўлимга ҳукм қилиб, иккинчи бир киши сиз ҳамма қариндошларингизга қараганда узоқроқ умр кўрасиз деса, уни совға-саломлар билан сийлаган экан.

Аллоҳ таоло Одам алайҳиссаломни яратиб, унга нутқни — гапиришни ўргатди. Нутқ, сўзлашиш ва баён қилиш қобилияти худонинг улкан неъматларидан биридир. Айнан ушбу неъмат билан инсон ўзга жонзотлардан ажралиб туради ва уларнинг устидан ўз ҳукмини ўтказади.

Учта тушунча замон ва макон танламайди. Булар сўзлаш, тинглаш ва англашдир. Одамзот яралибдики, ўзаро муносабат жараёнида ана шу уч бирликка амал қилиб келинади. Бунинг намоён бўлиши ҳар бир халқнинг менталитетига хосдир. Ўзаро муносабат, мурожаат қилиш жараёнида ўзни тутиш ва фикр алмашувлар муомала маданияти тушунчасига уйғунлашади.

Оғзимиздан чиқаётган баъзан қадрли, баъзан қадрсиз сўзларимиз бизнинг борлиғимизда, фаолиятимизда, ҳатто тақдиримизда ўз асоратини қолдиради. Тилга олинган сўз амалга оширилиши керак бўлган дастур каби ҳаётимиз варақларига битила бошлайди. Шунинг учун ҳам халқимиз "Ўйнаб гапирсанг ҳам ўйлаб гапир" деган мақолга ҳамиша амал қилиб келади. Зеро, сўз қудратли кучга эга. Тарихдан биламизки, чекинаётган қўшинни тўхтатиб қолиш, мағлубиятни зафарга айлантириш, ҳатто бутун бошли мамлакатни истилочилар зуғумидан қутқариб қолиш учун ўринли айтилган сўзлар кифоя қилган. Ҳа, ўринли айтилган, баъмани сўз орқали душманни дўстга айлантириш, одамларни бирлаштириш ва ҳатто меҳр қозониш мумкин.

> *Аччиқ сўз айтиб бир инсоннинг дилини оғритиш Аршни ларзага келтиришдек оғир гуноҳ саналган.*

Қадимда оддий қулликдан авлиёлик даражасига кўтарилган бир кишига савол беришибди:

— Қандай қилиб бу даражага эришдингиз?

Авлиё жавоб берибди:

— Бефойда сўзларни тарк этиш орқали.

Халқ орасида хушмуомала деб эътироф этилган инсонлар "Ширин сўз — жон озиғи" деган мақолга амал қилиб яшашади. Ўзининг ширинсуханлиги билан одамлар қалбига йўл топади, уларнинг меҳрини қозонади. Азалдан юртимизда инсон қалби муқаддас саналган. Аччиқ сўз айтиб бир инсоннинг дилини оғритиш Аршни ларзага келтиришдек оғир гуноҳ саналган.

Яхши инсон ифлос ҳавони ичига ютиб, тоза ҳаво ажратган дарахт каби ёмон гапларни ичига ютади, фақат яхши гапларнигина гапириб, эл ичра обрў топади.

Инсоннинг хулқи ва нутқи ҳам, кўриниши ва кийиниши ҳам, муносабати ва мулоқоти ҳам гўзал бўлмоғи лозим. Халқ бекорга "Тиғ яраси битар, тил яраси битмас" демайди. Ислом динида муомала маданиятининг асоси бўлмиш сўз, яъни каломга алоҳида эътибор берилади.

Сўзламоқчи бўлган инсон чиройли ва тўғри сўзларни танлаб гапирмоғи лозим. Ёшда, илмда ва обрўда ўзидан юқори бўлган кишилардан олдин гап бошламаслик, бир киши гапираётганда унинг гапини бўлмасдан, охиригача диққат билан тинглаш керак. Бу унинг муомаласида ҳам намоён бўлмоғи лозим. Одатда киши обрў-эътибори тили орқали топади. Доно халқимизнинг "Буғдой нонинг бўлмасин, буғдой сўзинг бўлсин", "Яхши гап билан илон инидан, ёмон гап билан пичоқ қинидан чиқади" деган ҳикматлари бежиз яратилмаган.

Тингловчи тушуна оладиган, унинг савиясига мос гапларни гапириш, ўзи яхши билмайдиган, тўғрилигини текшириб кўрмаган гапни гапирмаслик керак. Бошқа сўзловчи сўзини тугатмасдан аввал гапирмаслик, гапираётган одамга юзланиб, унинг гапини диққат билан эшитиш лозим. Учинчи одам ҳузурида икки киши ўндан яшириб гаплашмаслиги, бировнинг сир деб айтган гапини бошқаларга айтмаслик зарур. Имкони борича чиройли ва маънодор сўзларни ишлатиб, қўпол, нохушликка сабаб бўладиган жумлалардан қочиш керак. Мулоқот чоғида муомала маданиятига амал қилмаслик инсонлар орасида норозиликларни келтириб чиқариши мумкин.

Афсуски, бугун кўпгина йиғинларда айрим раҳбарлар қўлидаги ходимларга қўполлик қилиши ҳақида хабарлар қулоққа кўп чалинмоқда. Ҳатто ижтимоий тармоқларда шунга алоқадор аудиоёзувлар ҳам тарқалмоқдаки, улардаги гапларга халқимиз таъбири билан айтганда "илон пўст ташлайди". Наҳотки, оғзидан шу даражада жирканч сўзлар чиқаётган шу одам зиёли бўлса, устига-устак раҳбар бўлса, бир неча юз кишилик жамоани бошқарса деган ўй беихтиёр миянгизни пармалай бошлайди. Ахир бундан бир неча юз йил муқаддам Юсуф Хос Ҳожиб бобомиз бежиз бу сатрларни битмаган: "Тилингни авайла, омондир бошинг...".

Инсон улғайиб, атрофидагилар билан муомалага киришар экан, жамиятда уни ҳурматга сазовор қиладиган умумий одоблар борки, буларсиз соғлом жамиятни тасаввур этиб бўлмайди. Овқатланиш, саломлашиш, рухсат сўраш, сўзлашиш, ҳазил-мутойиба, касал кўриш, таъзия билдириш, акса уриш, эснаш, меҳмондорчилик ва шу каби бошқа ижтимоий одобларни билишимиз ва уларга риоя этишимиз лозим.

Инсон тарбияни асосан оиласидан олади ва ҳар бир ишда ота-онасига тақлид қилади. Фарзандларининг муомаласи яхши бўлишини истаган ота-оналарнинг ўзлари бу жиҳатдан уларга ўрнак бўлишлари керак. Фарзандлар олдида эр-хотиннинг бир-бирини танқид қилиши, камситиши жоиз эмас. Аксинча, улар олдида бир-бирига нисбатан ҳурмат-иззатда бўлиш "Қуш уясида кўрганини қилади" деганларидек, фарзандлар учун ибрат намунаси бўлиб хизмат қилади.

Гўзал муомала билан муаммолар ечилади, қалбларга йўл топилади, орзулар рўёбга чиқади, ота-онанинг розилигига эришиш имкони топилади.

Сўз мулкининг султони Алишер Навоийнинг "Сўз айлади инсонни жудо ҳайвондин..." деган шоҳ сатри борки, муомала маданияти, сўз санъати ҳақида ундан ортиқ бир сўз дейиш қийин. Доимо яхши сўз айтиб, атрофимиздагиларни ва ўзимизни хурсанд қилиб юрайлик. Яхши сўз илдизи эса қалбда бўлади. Қалби пок инсонларгина яхши сўз айта оладилар.



Суднинг эътиборидан четда қолган «таклиф»

Ҳар бир судья конституциявий нормаларга ва қонунларга, одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилиши, одил ва холис бўлиши талаб этилади. Аммо айрим судьяларнинг ноқонуний қарорлари аҳолининг норозилигига, юқори турувчи органларга ариза ва шикоятларнинг ортишига сабаб бўлмоқда.

Яҳё АНДАЕВ,
Бухоро вилояти прокурорининг катта ёрдамчиси

Жумладан, суд қароридан норози бўлган "Skiflandiya" МЧЖ фаолияти бўйича иқтисодий суднинг ҳал қилув қарори Бухоро вилояти прокуратураси томонидан ўрганилди.

Маълум бўлишича, Ўзбекистон Президентининг 2015 йил 28 апрелдаги "Иқтисодиётда хусусий мулкнинг улуши ва аҳамиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ва Бухоро вилояти ҳудудий танлов комиссиясининг 2015 йил 14 июлдаги йиғилиши баённига асосан Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Бухоро вилояти бошқармаси ва "Skiflandiya" масъулияти чекланган жамияти, Шофиркон тумани ҳокимлиги ва ободонлаштириш бошқармаси ўртасида 2015 йил 3 августда тумандаги Дўрмон қишлоғида жойлашган, собиқ "Шофиркон пилла" акциядорлик жамиятининг "Дўрмон" пилла пункти бино ва иншоотларини ноль харид қийматида "Skiflandiya" масъулияти чекланган жамиятига инвестиция ва ижтимоий мажбуриятларни қабул қилиш эвазига сотиш бўйича олди-сотди шартномаси тузилган. Шартномага мувофиқ жамият 2018 йил 2 августга қадар жами 1 427 750 000 сўмлик инвестиция киритиш мажбуриятини олган.

Хуллас, МЧЖ уч йил ичида, яъни 2018 йил 2 августга қадар объектни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш эвазига кўмирни қайта ишлаш ва брикет ишлаб чиқариш, шлакоблок, ғишт ишлаб чиқариш, шунингдек, музхона ташкил этиб, 53 та янги иш ўрни яратиш мажбуриятини зиммасига олганди. Жамият 680,3 миллион сўм харажат қилиб, мазкур иншоотларни реконструкция қилган, коммуникация тармоқларини ўтказган, ҳудудни ободонлаштирган. Лекин бу ишлар бажарилганини тасдиқловчи ҳужжатларни бошқармага тақдим этмаган.

Бошқарма томонидан шартномани ўрганганда шартлар "Skiflandiya" томонидан бузилгани аниқланган. Шундан сўнг Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Бухоро вилояти бошқармаси "Skiflandiya"дан мазкур бинони қайтариб олиш учун вилоят иқтисодий судига даъво аризаси киритади.

Вилоят иқтисодий судининг 2019 йил 28 январдаги ҳал қилув қарори билан шартнома бекор қилинади.

Вилоят прокуратураси томонидан суднинг мазкур ҳал қилув қарори қуйидаги асосларга кўра бекор қилиниб, қонунга мувофиқлаштирилди.

Суднинг 2019 йил 14 январдаги ажрими билан ишга низонинг предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахс сифатида Шофиркон тумани ҳокимлиги ва ободонлаштириш бошқармаси жалб қилинган.

Даъвогар инвестиция мажбурияти бажарилмаётгани ҳақида жавобгарга огоҳлантириш хати, шунингдек инвестиция шартномаси бажарилмаган тақдирда тузилган шартномани бекор қилиш ҳақида талабнома юборган. Лекин шартномани бекор қилиш ҳақида Шофиркон тумани ҳокимлиги ва ободонлаштириш бошқармасига таклиф юборманган. Ваҳоланки, ушбу тарафлар ҳам шартнома иштирокчиси ҳисобланади ва улар ҳам шартномани имзолаган.

Биринчи инстанция суди ушбу ҳолатга, яъни даъвогар низони судгача ҳал қилиш тартибига риоя қилмаганига эътибор қаратмаган ва даъвонинг шартномани бекор қилиш ҳақидаги қисмини қаноатлантирган. Ваҳоланки, даъвогар шартномани бекор қилишдан олдин шартноманинг барча иштирокчиларига талабнома юбориши шарт бўлган.

Иқтисодий процессуал кодексининг 107-моддаси 5-бандига кўра даъвогар низони судгача ҳал қилиш тартибига риоя этмаган бўлса, башарти бу шу тоифадаги низолар учун қонунда ёки тарафлар шартномасида назарда тутилган бўлса, суд даъво аризасини кўрмасдан қолдиради.

Қайд этилган талабларга риоя этмаслик ИПКнинг 302 ва 322-моддаларига мувофиқ қарорнинг бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши учун асос бўлиши мумкин. Бу ҳақда Олий суд пленумининг 2007 йил 15 июндаги "Суднинг ҳал қилув қарори тўғрисида"ги 161-қарорининг 1-бандида тушунтириш берилган.

Вилоят прокуратураси қабул қилинган суд қарорини бекор қилиш тўғрисида 2019 йил 26 апрелда кассация тартибида протест келтирди, вилоят иқтисодий суди кассация инстанциясининг 2019 йил 21 майдаги қарори билан протест тўлиқ қаноатлантирилди ва мулк МЧЖга қайтарилди.

Пойтахтимизда «TASHKENT BOOK FEST – 2019» – I Тошкент халқаро китоб кўргазма-ярмаркаси бўлиб ўтмоқда. Ярмарка 4 октябргача давом этади.

ЎҒИРЛАНГАН ЧИГИТ

Кенжабек (исм-фамилиялар ўзгартирилган) "Пахта тозалаш" АЖда тайёр маҳсулот ва логистика бўлими техник чигит товаршуноси бўлиб ишлайди. Жамиятда ишлаб чиқарилган чигитнинг ҳисоб-китобини юритиш, тарозиларнинг тўғри ишлашини назорат қилиш, маҳсулотнинг талабгорларга етказилишини ва сифатли сақланишини таъминлаш учун жавобгарлик Кенжабекнинг зиммасида эди.

Умиджон ҲАКИМОВ,
Самарқанд вилояти прокуратураси бўлим АМИБ катта терговчиси
Назиржон ШУКУРОВ,
вилоят прокуратураси бўлим АМИБ терговчиси

Бир куни уни бошқа туманда яшовчи таниши Ботир йўқлаб келди.

Ботир анча йиллардан бери чорвачилик билан шуғулланади. Айни қиш пайти ем-хашак излаб келганди.

Салом-аликдан сўнг муддаога кўчди. Аслида жамиятдан юк хатисиз маҳсулот чиқариш мумкин бўлмаса-да, Кенжабекка пул зарурлиги боис йўқ демади. "Ими-жимида ишни битирсам, ҳеч ким билмайди", — деб ўйлади.

— Майли, ем бераман, — деди.

— Нархи қандай бўлади? — деб сўради Ботир.

— Килосига 1,5 сўмдан берасиз.

— Менга маъқул. Неча тонна бўлсаям оламан. Эртага машина юбораман.

Ботир эртаси куни юк машиналари турадиган жойга борди. Уч-тўрт ҳайдовчи бор экан. Уларга иш борлигини, зарур ҳужжатлар асосида молларига ем олиб келиш кераклигини, танишлари бўлса чақиришини айтди. Ҳар бир ҳайдовчига 1 миллион сўмдан хизмат ҳақи ваъда қилиб, 11 та юк машинасини 3 та тиркамаси билан бирма-бир "Пахта тозалаш" АЖга жўнатди.

Ўзи ҳам уларнинг ортидан етиб келиб, Кенжабек билан учрашди.

Кенжабек бу ёқда ишни пишитди. Уларнинг жамият ҳудудига тўсиқсиз киришини таъминлаш учун гўё юк машиналари омборхонадан юк хати асосида маҳсулот олиб чиқиб кетишини қоровулга билдирибгина қўйди.

— Бўлди, ем ортишаяпти. Тайёр бўлгандан кейин чиқариб юбораман, — деб Кенжабек Ботирни хотиржам қилиб изига қайтарди.

Омбордан машиналарга умумий қиймати 115 687 186 сўмлик 96492 кг чигит ортилди. Энди ходимларнинг кетишини кутиш керак. Кенжабек бунинг ҳам йўлини топиб қўйган эди.

— Юк ҳужжатлари тайёр бўлмаяпти. Тайёр бўлгунча кутасизлар, — деб алдади.

Ҳайдовчилар овқатланишга чиқиб кетишди. Уларнинг ортидан Кенжабек ҳам чиқиб:

— Машиналарга маҳсулот ортилган, улар бугун шу ерда қолади, — деб чиқиб кетди.

Тун ярмидан ўтиб, соат 4:40 ларда ҳайдовчилар машиналарини олиб кетишга келди.

Чиқиб кетишида қоровул улардан юк хатларини сўради. Тайинли жавоб ололмагач, Кенжабекка қўнғироқ қилди.

"Уларнинг ҳужжатлари менда, қўйиб юбораверинг. Бир-икки соатда олиб бораман" деганидан сўнг машиналарга рухсат берди. Лекин Кенжабекдан дарак бўлавермади. Чиқиб кетаётган юк машиналари тарозида ўлчаниб, қайд қилиш дафтарига ёзилмагани қоровулда шубҳа уйғотди. У бўлган воқеа ҳақида катта қоровулга хабар берди.

Йўлга чиққан машиналардан иккитасини ИИБ ЙҲХБ ходимлари тўхтатди. Юк ҳужжатларини тақдим қилолмагач, жарима майдончасига қўйишди. Бундан хабар топган Ботир Кенжабекка қўнғироқ қилиб уларга ҳужжат қилиб беришини сўради.

Кенжабек кўп куттирмади. Юк машиналарининг рақамини сўраб, жамиятнинг қатъий ҳисобида бўлган товартранспорт юк хатларини қалбакилаштирди. Сохта маълумотлар киритиб, ИИБ ЙҲХБ ходимларига тақдим қилиш учун жиноий шериги Ботирга етказди.

Ботир сохта ҳужжат билан машиналарни жарима майдончасидан чиқаришга эришди.

Кўп ўтмай Кенжабекнинг қилмиши ошкор бўлди. У Ботирдан олган пулини жамиятга тўлади.

Судда жамият ҳуқуқшунос-маслаҳатчиси етказилган зарар тўлиқ қопланганини, жамиятнинг судланувчиларга нисбатан даъвоси йўқлигини баён қилди.

Суд ҳукми билан Кенжабек Назировга 40 546 000 сўм жарима жазоси ҳамда ойлик иш ҳақининг 30 фоизини давлат ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 йилу 5 ой муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди.

Ботирга 44 600 600 сўм жарима солинди.

АЁЛ – ОНА, АЁЛ – ЎҒРИ

Сабоҳат (исм-фамилиялар ўзгартирилган) эрталабдан уй юмушлари билан шуғулланди. Турмуш ўртоғи ва икки ўғли ишга чиқиб кетишганди. Кечқурун соат 8 дан ўтганида кир ювиш учун домнинг олдига тушди. Уй эшигини ёпди-ю, узоққа кетмаётгани боис қулфлаб ўтирмади.



Ўлмас АШУРОВ,
Нишон тумани прокуратураси терговчиси лавозимида иш ўрганувчи

Икки соатлардан сўнг ташқаридаги ишини тамомлаб, уйга кирмоқчи бўлаётганида ўғли Икромжон келиб қолиб, идишлари ва ювилган кирларини уйга олиб киришда ёрдам берди. Кечки сменага отланган ўғлига тухум қовуриб бериб, кўрпа-тўшакларни тикиш учун болалар хонасига кирди. Қараса, ўнг томондаги кийим жавонининг эшиги очиқ.

— Манави шкаф нимага очиқ ётибди, болам? — сўради ўғлидан.

Икромжон елка қисди:

— Мен ҳам уйга сиз билан бирга кирдим-ку...

Сабоҳатнинг юраги шиғ этди. Жавондаги пластмасса идишни очиб қаради. Ичига солиб қўйган тилла зираги ва узуги йўқ эди. Апил-тапил бутун уйни кўздан кечирди. Ҳеч қаердан тақинчоқларини топа олмади.

Қўшниси Муҳайёнинг эшигини тақиллатди.

— Қўшни, мабодо йўлагимизга бегона одам кирганини кўрганингиз йўқми?

— Йўқ, — деди ҳовликиб қолган Муҳайё. — Тинчликми?

— Йўқ-да, пастга кир ювгани тушувдим. Қайтиб чиқсам, шкафим очиқ ётибди. Тиллаларим йўқ. Сиз ҳам нарсаларингизни бир текширинг. Ўғри оралаганга ўхшайди...

Муҳайё ҳам югуриб, тақинчоқларини қўйган жойига қаради. Улар йўқ эди. Эртаси куни аёллар туман ички ишлар бўлимига хабар беришди...

* * *

Шарофат Китоб шаҳридаги ижара уйига кўчиб борди. Икки хонали шинамгина квартира оиласидан ажрашган, бир фарзандли аёл учун етарли эди.

Бир куни кечга яқин овқатга уннаётган Шарофат томат сўраб учинчи қаватга чиқди. Кўшниси Муҳайёнинг эшигини тақиллатди. Ҳеч ким жавоб бермади. Эшикни аста тортиб кўрди. Қулфланмаган экан. Уйга кириб, даҳлизнинг ўнг томонида жойлашган хонага ўтди. Кўзгули шкафни очди. Стаканда бир дона сариқ металдан ишланган занжир ва узук турган экан. Шартта олиб, қўйнига тиқди.

Эртаси куниёқ тақинчоқларни Шаҳрисабз шаҳридаги "Арабон" бозорига олиб бориб, бир нотаниш аёлга 1 400 000 сўмга сотиб юборди.

Пулнинг бир қисмини квартира эгасига ижара ҳақи сифатида берди, қолганини эса бозордаги ўрнига патент учун тўлади. Орадан бир неча кун ўтган бўлса-да, Муҳайё нарсалари ўғирланганини сезмади.

Бир куни Шарофат қўшниси Сабоҳатнинг эшигини текширса, очиқ қолган экан. У ёқбу ёққа аланглаб, ўзини ичкарига урди. Шкафни титкилаб, қандайдир қутичани топди. Ичидаги узук ва зиракни олиб, уйига югурди...

* * *

"Ҳовли олма, қўшни ол" дейдилар. Сабоҳат ва Муҳайё ўғри ўз домларидаги қўшниси Шарофат эканини эшитганларида тавба деб ёқа ушлашди. Кейинроқ эса тавбани Шарофатнинг ўзи айтишига тўғри келди. У тавба-тазарру билан қўшниларидан узр сўраб, уларга етказилган зарарни қоплаб берди.

Жиноят ишлари бўйича Китоб тумани суди биносида Нишон тумани суди раиси раислигида ўтган суд мажлисида унинг қилмишига қонуний баҳо берилди. Шарофат Маҳмудова қўшнилари Муҳайё Қосимованинг 2 500 000 сўмлик, Сабоҳат Норбоевaнинг 2 300 000 сўмлик тилла тақинчоқларини ўғирлагани далиллар билан ўз исботини топди. Судланувчи беш йилга озодликдан маҳрум қилинди. Ҳукм шартли ҳисобланиб, икки йил синов муддати белгиланди.

Қўшничилик халқимизда улуғвор қадрият эканлигини эса бозордаги ўрнига патент учун тўлади. Орадан бир неча кун ўтган бўлса-да, Муҳайё нарсалари ўғирланганини сезмади.

Бир куни Шарофат қўшниси Сабоҳатнинг эшигини текширса, очиқ қолган экан. У ёқбу ёққа аланглаб, ўзини ичкарига урди. Шкафни титкилаб, қандайдир қутичани топди. Ичидаги узук ва зиракни олиб, уйига югурди...

* * *

"Ҳовли олма, қўшни ол" дейдилар. Сабоҳат ва Муҳайё ўғри ўз домларидаги қўшниси Шарофат эканини эшитганларида тавба деб ёқа ушлашди. Кейинроқ эса тавбани Шарофатнинг ўзи айтишига тўғри келди. У тавба-тазарру билан қўшниларидан узр сўраб, уларга етказилган зарарни қоплаб берди.

Жиноят ишлари бўйича Китоб тумани суди биносида Нишон тумани суди раиси раислигида ўтган суд мажлисида унинг қилмишига қонуний баҳо берилди. Шарофат Маҳмудова қўшнилари Муҳайё Қосимованинг 2 500 000 сўмлик, Сабоҳат Норбоевaнинг 2 300 000 сўмлик тилла тақинчоқларини ўғирлагани далиллар билан ўз исботини топди. Судланувчи беш йилга озодликдан маҳрум қилинди. Ҳукм шартли ҳисобланиб, икки йил синов муддати белгиланди.

Қўшничилик халқимизда улуғвор қадрият эканлигини эса бозордаги ўрнига патент учун тўлади. Орадан бир неча кун ўтган бўлса-да, Муҳайё нарсалари ўғирланганини сезмади.

Яна бир гап. Аёлга оқила, ҳаёли, иболи, чевар, пазанда... сингари сифатлар қандоқ ярашади. Энди шуларнинг ёнига ўғри деган тамғани қўйиб кўринг-а... Беихтиёр этингиз жимирлаб кетади.

Шарофат энди бу хусусда жиддийроқ ўйлаб кўрар?!

Тадбиркорларга кенг йўл очилган. Ҳуқуқ ва манфаатлари қонун ҳимоясига олинган. Мирҳосил (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ишбилармонларга ҳавас қилиб қишлоғида озиқ-овқат дўкони очади. Беиш юрган Абдувоситни сотувчиликка ишга олади. Маҳалла аҳлининг узоғини яқин қилади. Бироқ айрим ҳасадгўйларнинг ноғорасига ўйнаган ҳамқишлоғи Рафиқали дўкон ноқонуний қурилиб ишлаётгани ҳақида ариза ёзади.

«ҚЎЛИНГДАН НИМА КЕЛДИ?»

Дилшодахон УСМОНОВА,
Бешариқ тумани прокурорининг катта ёрдамчиси

Текширилганда унинг важлари тасдиқланмайди, тадбиркор ишини давом эттираверади. Ҳамқишлоқлар орасидан қора мушук ўтади. Рўпара келганда Мирҳосил қўлингдан нима келди қабилида гап отади. Рафиқали барибир дўконингни буздириб ташлайман деди. Даҳанаки жанглар туфайли низо кучайиб боради. Мирҳосил "орани очиқ қилмоқчи" бўлиб уйига борганида Рафиқали чақирган профилактика нозири етиб келиб, иккала томонни ҳовуридан туширади. Иш маъмурий судда кўрилиб жанжалкашларнинг попуги пасайтириб қўйилади.

Ўзига ишонган мард киши кечиримли бўлади. Ҳамқишлоқлар бир-бирини кечириб, адоватни орадан кўтариб юборишлари мумкин эди. Ундай бўлмади. Рафиқалини уриб оғир жароҳат етказган Мирҳосилга нисбатан қўзғатилган жиноят иши судда кўрилди.

Рамазон ойи кечки пайт соат етти яримларда Рафиқали амакисининг уйига боради. Ҳашоратга қарши дори сепадиган аппаратини қайтариб бериб кўчага чиққанида "Мерседес" машинасида Мирҳосил гўё масхаралаб ўтиб кетади. Рафиқали унинг ортидан дўконига бориб куракда турмайдиган сўзлар билан сўкиниб ҳақорат қилади. Ҳовуридан туширмоқчи бўлган Миржамолга "сен аралашма, укангнинг эсини киритиб қўяман" дейди. Оғзидан боди кириб шоди чиқади. Дўкондан чиқиб келган Мирҳосил билан муштлашади. Икки харидор орага тушиб, уларни ажратиб қўйишади.

— Уриш-жанжални Мирҳосил бошлади, — дейди Рафиқали. — Ҳаммасини телефонимга ёзиб олгандим. Ўша жойда тушириб қўйибман.

— Унинг жиғига текканим йўқ, — дейди айбига қисман иқрор бўлган судланувчи. — Унинг ўзи дўконга келиб ҳақоратомуз гап отди. Ифторликка шошиб тургандим. "Рўзадормиз, бор кет" десам ҳам ҳақорат қилаверди. Икки киши орага тушди. "Рўза куни уришманглар, айб бўлади" дейишса ҳам сўкинаверди. Онамни қўшиб сўкинганида ўзимни тута олмадим. Қўлимга тушган таёқ билан уч-тўрт марта урдим. Орага тушган Абдураҳмон калтакни ушлаб олди. Калтак сингандан кейин Рафиқалини муштлаб урдим. Уч-тўрт киши ажратиб қўйишди. Машинамни миниб ифторликка кетдим. Рафиқали телефонини ахтарибди. "Самсунг" телефонини муштлашган жойимиздан топиб, профилактика инспекторига топширдик.

Жабрланувчининг сўзларига кўра Мирҳосил айбини яширмоқчи бўлиб инспекторга топширишдан аввал телефондаги ёзувларни ўчириб ташлаган. Судланувчининг низо оқибатида Рафиқали Жобировни калтаклаб ўта оғир жароҳат етказгани қисман иқрорлигидан ташқари олишув гувоҳларининг кўрсатмалари билан тасдиқланди. Мирҳосил Сайфуллаевга икки йил озодликни чеклаш жазоси тайинланди.

Европа инвестиция банки Ўзбекистонга Оролбўйи ҳудудидаги ҳолатни соғломлаштиришга қаратилган лойиҳалар учун 100 миллион доллар маблағ ажратади.

FAOLIYATIDAN

Банкка ишонч

йўқолишига кимлар сабабчи?

Азиз ИСМОИЛОВ,
Департаментнинг Тошкент шаҳар бошқармаси инспектори

Банклар доим мижозларнинг ишончини оқлаши керак. Аммо мазкур соҳада давлат ёки фуқароларнинг мулкини ўзлаштириш жиноятлари учраб турибди. Бу эса фуқароларнинг банк тизимига ишончи йўқолишига сабаб бўлмоқда.

Жумладан, 2019 йилнинг 3 июнь куни Яккасарой туманидаги "Муқимий" маҳалла фуқаролари йиғини биносида, жиноят ишлари бўйича туман судининг очиқ сайёр суд мажлисида "Давр банк"нинг Яккасарой филиали чакана хизматлар бўлими етакчи мутахассиси Иброҳим Бакировнинг (исм-фамилиялар ўзгартирилган) жиноят иши кўриб чиқилди.

Маълум бўлишича, И.Бакиров 15 февраль куни "Давр банк"нинг мижози — якка тартибдаги тадбиркор Равшан Муқимовнинг корпоратив пластик картасидаги 20 миллион сўмни унинг банкдаги шахсий ҳисоб рақамига ўтказади. Шундан сўнг корпоратив картада 19 миллион 985 минг сўм пул қолади. Тадбиркор банк ходимидан қолган пулни ҳам банкнинг ҳисоб рақамига ўтказиб беришни сўрайди. И.Бакиров пулни бироздан сўнг ўтказишини айтиб, пластик картани ўзида олиб қолади. Шундан сўнг у тадбиркорнинг 19 миллион 985 минг сўм пулини ўзининг эҳтиёжига ишлатиб юборади.

И.Бакировнинг қинғир иши орадан кўп вақт ўтмай ошкор бўлди. Р.Муқимов ваколатини суиистеъмол қилган банк ходимига нисбатан қонуний чора кўришни сўраб Бош прокуратура ҳузуридаги департаментга мурожаат қилади.

И.Бакиров суд мажлисида айбига тўлиқ иқрор экани, қилмишидан пушаймонлиги, етказилган зарарни тўлиқ қоплагани, даъвогарнинг унга ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, у билан бирон-бир тазйиқсиз ярашиб олганини баён қилди.

Жиноят кодексининг 66-1-моддасига мувофиқ 167-модданинг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс ўз айбига иқрор бўлса, даъвогар билан ярашса ва етказилган зарарни тўласа, жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкин. Шуни эътиборга олган ҳолда И.Бакировга нисбатан қўзғатилган жиноят иши томонларнинг ярашгани муносабати билан тугатилди.



«Малика»да ноқонуний савдо

Элнур АБДУЛАЗИЗОВ,
Департаментнинг Чирчиқ шаҳар бўлими бошлиғи

Ўзбекистон Президентининг 2017 йил 2 сентябрдаги "Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармонига кўра юридик ва жисмоний шахслар банклардан чет эл валютасини эркин сотиб олиши ва сотиши йўлга қўйилди. Аммо айрим кимсалар валюта айирбошлаш шохобчалари олдида ҳамюртларимизни йўлдан уриб, ноқонуний савдога бошлаётгани афсусланарли ҳол.

Даврон Солиҳов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) пойтахтимиздаги нуфузли университетларнинг бирида таҳсил олади. У амакивачаси Жасур Солиҳов билан жиноий тил бириктириб, ноқонуний валюта савдосини касб қилган экан. Улар валюта айирбошлаш шохобчалари атрофига танда қўйишди. Банкка валюта айирбошлаш учун келган фуқаролардан доллар сотиб олиб, ўзларига таниш бўлган одамларга сота бошлашди.



Асосан Чирчиқ шаҳрида фаолият юритган икковлон танишлари орқали "бақувват" мижоз топилсагина валютани уларга сотган. Ўша куни ҳам Жавлон деган дўсти Давронга қўнғироқ қилиб, таниши Зарина Толиповага 10 минг АҚШ доллари кераклигини айтди. Д.Солиҳов мижоз ҳақида батафсил маълумотга эга бўлгач, пойтахтдаги "Малика" савдо мажмуасининг автотураргоҳида учрашишга келишишди. Даврон ва Жасур танишлари орқали алоқага чиққан Заринага 10 минг долларни 85 миллион сўмга сотишларини билдиришди. Аёл бунга рози бўлди.

З.Толипова келишилган вақтда белгиланган жойда пулни уларга берди. Икковлон Зарина берган пулни санаб, сумкага жойлашди ва бир тахлам долларни унга узатган вақтида Бош прокуратура ҳузуридаги департаментнинг Чирчиқ шаҳар бўлими ходимлари томонидан ашёвий далил билан қўлга олинди.

Ушбу ҳолат юзасидан жиноят ишлари бўйича Чирчиқ шаҳар судининг ҳукмига кўра Д.Солиҳов ва Ж.Солиҳовга 360 соат мажбурий жамоат ишлари жазоси тайинланди.

Ер сотган уддабурон

Сирож МАШАРИПОВ,
Департаментнинг Хоразм вилояти бошқармаси катта инспектори

Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг Хоразм вилояти бошқармаси томонидан коррупция, фирибгарлик, тамагирлик каби жиноятларнинг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Департаментнинг Ҳазорасп тумани бўлими ўтказган навбатдаги тадбирда ноқонуний ер савдоси фош этилди.

1973 йилда Ҳазорасп туманида туғилган Нуриддин Каримовга (исм-фамилиялар ўзгартирилган) Пичоқчи қишлоғида яшовчи Эркин Зокиров 500 квадрат метр ер участкасини 5000 АҚШ долларига сотишни ваъда қилди. Ушбу ноқонуний ҳаракат яхшилик билан якун топмаслигини англаб етган Нуриддин Каримов мазкур ҳолат юзасидан Департаментнинг Ҳазорасп туман бўлимига ариза билан мурожаат қилди.

Унга асосан ўтказилган тадбирда Эркин Зокиров ҳамқишлоғидан келишилган пулнинг 4000 долларини олаётган вақтда департамент ходимлари томонидан ушланди. Мазкур ҳолат юзасидан ушбу фуқарога нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Ишнинг кўзини биладиган кишиларга ҳамма ҳавас қилади. Тўхтасин Ғаффоровни (исм-фамилиялар ўзгартирилган) билганлар у ҳақда гап кетганда жуда эпчил одам, уддабурон тадбиркор дейишади. Бу албатта яхши. Аммо Ғаффоровнинг таржимаи ҳолини ўқисангиз ҳавас қилмаслигингиз тайин. У бир эмас, икки эмас, саккиз марта судланган. Нега хатолардан сабоқ чиқармагани ачинарли ҳол.

Ғаламислик ҳам эви билан-да!

Жаҳонгир ШОМУРОДОВ,
Департаментнинг Бухоро вилояти бошқармаси бўлим суриштирувчиси

У 2018 йил 17 апрелдан 2019 йил 1 майга қадар "Mohitobon PFK" МЧЖ раҳбари лавозимида ишлаб, ноқонуний бойлик орттиришдан бошқа нарсани ўйламаган кўринади.

Савдо ва хизмат кўрсатиш билан қонунга хилоф равишда шуғулланиб, ҳукуматнинг 2002 йил 26 ноябрдаги "Юридик ва жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказишни ҳамда улар томонидан савдо фаолияти амалга оширилишини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори талабларига зид равишда жамиятнинг 2018 йил ва 2019 йилнинг тўрт ойи давомида 2 миллиард 953 миллион 176 минг сўмлик кирим ҳужжатлари бўлмаган товарларни сотиб, савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларини бузган. Савдодан тушган нақд пулни банкка инкассация қилмаган.

Ҳукуматнинг 2002 йил 5 августдаги "Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда 2011 йил 17 ноябрдаги "Фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машиналари қўлланишини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорлари талабларини қўпол равишда бузиб, 2018 йил ва 2019 йилнинг тўрт ойи давомида пул кўчириш йўли билан олинган маҳсулотларни нақд пулга сотиб, савдодан тушган 3 миллиард 989 миллион 505 минг сўм нақд пулни банкка топширмасдан ишлатиб юбораётганида ҳам қонун олдида жавоб бериш вақти келишини хаёлига келтирмади.

Бундан ташқари, Т.Ғаффоров фаолияти давомида таниши Қодир Ҳамидов ва буюртмачи — туман мактабгача таълим бўлими қурилиш-эксплуатация бўлими бошлиғи Мустафо Ҳакимов билан тил бириктириб, 2018 йил 2 ноябрдаги 44-пудрат шартномасига асосан Вобкент туманидаги 32-МТМда амалга оширилган қурилиш-таъмирлаш ишларида лойиҳа-смета ҳужжатларида кўрсатилган ишларни бажармаган бўлса-да далолатномаларга ушбу ишларнинг тўлиқ бажарилгани тўғрисида сохта ёзувлар киритди. Шу тариқа 12 миллион 66 минг сўм бюджет маблағини талон-торож қилди.

Одамзотнинг ғаламислиги тутса, кўзига ҳеч нарса кўринмайди, мисқоллаб топган обрўси тўкилишини ҳам тушуниб етмайди. Тўхтасин Ғаффоров шундай аҳволга тушди. Ҳ.Қаҳҳоров иккаласи буюртмачи — туман ободонлаштириш бошқармаси техник назоратчиси Сайфулло Эминов билан "ош-қатиқ" бўлиб олди. 2018 йил 19 ноябрдаги 56-пудрат шартномасига асосан Сўфидеҳқон қабристонида амалга оширилган қурилиш-таъмирлаш ишларидан ҳам "фойда чиқарди" — мактабгача таълим муассасасида қўллаган усул билан 11 миллион 727 минг сўмни талон-торож қилди.

Ҳар қандай жиноят жазосиз қолмайди. Суд ҳукми билан Т.Ғаффоровга тегишли жазо тайинланди.



Қўлингиз тозами, дўхтир?

Тўлқин ҚУРБОНОВ,
Департаментнинг Қашқадарё вилояти бошқармаси катта инспектори

Санитария шифокори саранжом-сариштализ, тозалик учун масъул. Тозалик бобида у шахсий ибрат кўрсатиб яшаши лозим. Бироқ қаҳрамонимиз шундай покиза касбда ишлаб туриб, балчиқ чангаллаб юрганига нима дейсиз?

Департаментнинг Қарши шаҳар бўлими Қарши шаҳар прокуратураси билан ҳамкорликда ўтказган тадбирда вилоят давлат санитария-эпидемиология назорат маркази санитария шифокори Р.А. фирибгарлик билан марказ бош шифокори орқали ишга киритиш эвазига фуқаро Т.М.дан 500 АҚШ доллари талаб қилиб олган пайтида ушланди.

Суд ҳукми билан унга нисбатан жазо муқаррарлиги таъминланди. Қўл кир бўлса, совунлаб ювиш мумкин. Виждонга доғ тушса-чи? Шифокор бу оддийгина ҳақиқатни тушуниб етдимикан?!

Ўзбекистон Республикасида биринчи маротаба «TEXTILE TECHNOLOGIES GROUP» МЧЖ ХК Чиноз кластери томонидан органик пахта етиштирилди.

СУД ЗАЛИДАГИ МАҲАЛЛА ПОСБОНИ



Спиртли ичимлик ичиб кўнгилхушлик қилиш аксарият оилавий можаролар, қўйди-чиқдиларга сабаб бўлаяпти. Ошна-оғайни, қариндошларни юз кўрмас қилиб қўймокда. Бундан-да аянчли оқибатларни келтириб чиқараяпти.

28 ёшга кирган судланувчи "Чеккўприк" МФЙда посбон, жамоатчилик тузилмасининг раҳбари бўлган. Жанжал, можароларнинг олдини олиш, маҳалла осойишталиги учун масъуллардан бири бўлган Ортиқали Раҳимбердиевнинг (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ўзи жиноятга қўл урди.

27 октябрь — шанба куни кечқурун Ортиқали маҳалла гузарига чиқиб боради. Ўша куни кечки соат саккизларда Аҳмадали ўртоғи Валижонга қўнғироқ қилади. У билан жамоатчилик масканида кўришади. Валижоннинг ёнида ўтирган Салоҳиддиннинг бир оз кайфи бор эди, уларни чойхонага таклиф қилади. Чойхонада ароқ ичиб, газак қилиб ўтиришганида ёнларига келган Ортиқали "велосипедимни кўрмадингизми?" деб сўрайди. Нафасидан спирт ҳиди анқийди. Тўртовлон яна ароқ ичиб, отамлашиб ўтиришади. "Қорним очди, юринглар", — дея Салоҳиддин Томоша қишлоғидаги чойхонага бошлайди. Ортиқали уларга қўшилади. Йўловчи машинада боришганида чойхона берк экан. Чойхоначини чақиришади. У егулик ҳеч нима қолмади дегач туман марказига бормоқчи бўлишади. Аҳмадали автомашинаси бор ўртоғига қўнғироқ қилади. Ўртоғи "кеч бўлди, ҳамма ошхоналар ёпилган" дея гапни калта қилади. Шундан сўнг улфатлар шу яқиндаги балиқ пиширадиган сотадиган емакхонага йўл олишади. У ер ҳам ёпилиб бўлганини кўриб пиёда уйларига қайтишади. Фурқат — Бешариқ автомобиль йўлидан қайтаётганларида бир оз ортда қолган Ортиқали қўшниси билан гап талашиб қолади. Улар муштлаша бошлашади. Аҳмадали ва Валижон ортларига қайтиб боришганида Салоҳиддин: "Узр, узр, мендан ўтди", — дея Ортиқалидан кечирим сўраётганининг устидан чиқишади. Аҳмадали уларни муросага келтирмоқчи бўлади. Ортиқали "Аралашманглар, ўзим гаплашиб, ҳал қилиб оламан" дея Аҳмадали ва Валижонни кетказиб юборади.

— Орадан ўн-ўн беш дақиқа ўтгач, йўловчи машина чироғининг ёруғида иккаласи катта йўлдан ўтган газ қувури аркаси ёнида тик туриб гаплашаётганини кўрдиму, келишиб олишибди деб ўйлаб уйга кириб кетдим, — дейди гувоҳ Аҳмадали Сатторов. — Тунги соат учларда Ортиқали қўнғироқ қилиб, велосипедини кўрган-кўрмаганимни сўради. Уни "Салоҳиддин билан келишиб олдиларингми?" деб савол тутдим. У эса "урдим, ўша жойга ташлаб кетдим" деди. Кўп ўтмай Ортиқалининг икки укаси келиб қанақа жанжал бўлганини сўрашди. Улар билан ўша жойга бордик. Салоҳиддин ерда ётган экан. Қоронғи эди. Мен уйга қайтдим. Ортиқалининг укалари иккинчи бор қайтиб боришганида ётган жойида йўқ экан. Менга келиб, "Кимдир олиб кетган, ё ўзига келиб, уйига кетган бўлса керак" дейишди. Эрталаб соат бешларда жанжал бўлган жойга бордим. Асфальтда қонга ўхшаш доғларни кўрдим. Атрофда ҳеч ким кўринмади. Келаси куни ИИБ ходимларидан Салоҳиддиннинг мурдасини зовурдан топишганини эшитдим.

> *Маҳалла осойишталиги учун масъуллардан бири бўлган шахс қотилликка қўл урди.*

Худди туяқуш тумшуғини қумга тиқиб олгани каби Аҳмадали ўзига гард юқтиришни истамаган, қон қақшаб ётган ҳамқишлоғи улфатини шифохонага етказиб боришни ўйламасдан, ўз ҳолига ташлаб кетаверган.

— Ўғит омборининг ёнидан ўтаётганимизда Салоҳиддин тағин бўлар-бўлмас гаплар билан нафсониятимга тегаверди, — дейди айбига тўлиқ иқрор бўлган судланувчи. — Сўкиниб ҳақорат қилди. Бурнимга калла солди. Бўйнимдан бўғиб, оёғимга тепди. Бурнимни ушлаб энгашганимда сочимдан тортди...

Кайфи баланд, ғазаби қайнаган Ортиқали Салоҳиддинни ўласи қилиб уради. Дуч келган жойига тепаверади. Қонга беланиб хириллаб қолганидан сўнг ташлаб кетади. Уйига кириб қон юқи кийимларини ечиб, печкага ташлайди. Бошқа уст-бош кийиб, велосипедини қидиргани кўчага чиқади.

Ўша куни тун ярмидан оққанда Рафиқжон "Дамас" машинасида бораётиб, йўлга чиққан итни айланиб ўтмоқчи бўлади. Машина ағдарилиб, ўнг ёни шилинади, олд ва ён ойналари синиб кетади. Рафиқжоннинг қизи амакисига қўнғироқ қилади. Турдиали Томоша қишлоғига киравериришга етиб боради. Акаси ва унинг хотинини уйларига жўнатиб юбориб, телефонда автомашина устасини чақиради. Уста машинани кўриб, миниб кетиши мумкинлигини айтади. Бошқара олмаслигини айтиб турганида маҳалла посбони Ортиқали келиб қолади. У машинани мина олишини айтади. Ортиқали "Дамас"ни Рафиқжоннинг уйига ҳайдаб бораётиб ортига қайтаради. "Нимага қайтараяпсиз?" деб сўраган Турдиалига "Кунчиқар маҳаллада бир одам билан уришдим, калтак еган жойида қолди, бориб кўришим керак" дейди. Ойнаси йўқ машинада ўша жойга боришади. Ортиқали тушиб машина чироғининг ёруғида зовурнинг бўйида яланғоч ётган Салоҳиддиннинг тепасига боради. Бироз қараб турib ортига қайтади. Тушмасдан қараб ўтирган Турдиалининг саволига жавобан "Кайфи тарқамасдан ётибди" дейди. Ортиқали машинани бошқариб, Турдиалини ҳовлисига ташлаб кетади.

Анваржон МЎМИНОВ,
Фурқат тумани прокурорининг ўринбосари

— Ортиқали Салоҳиддинни олиб кетайлик демади, — дейди гувоҳ Турдиали Олимжонов. — Мен ҳам машина ўриндиғи ифлос бўлишини ўйлаб, олиб кетайлик демадим.


Судланувчи ҳам, гувоҳлар ҳам аёвсиз калтакланган Салоҳиддин жон талашиб ётган жойга қайтиб боришган. Суд-тиббий экспертизасининг хулосасига кўра марҳумнинг жони тунги соат 22.00 дан 2 гача бўлган тўрт соат оралиғида узилган. Судланувчининг ўзи, шунингдек, гувоҳлар айтганидек, дастлаб ётган жойига бориб кўришганида у ҳали тирик бўлган. На судланувчи, на гувоҳлардан бирортаси "тез ёрдам" чақиришни ёки бирорта автомобилда чалажон Салоҳиддинни туман шифохонасига етказиб боришни хаёлига келтирмаган. Ҳолбуки, ўз вақтида тиббий ёрдам кўрсатилганида у ўлмай қолиши мумкин эди.

Маҳаллада хулқ-атвор, ахлоқ-одоб, юриш-туришда ибрат бўлиши, кўнгилсиз ҳолатларнинг олдини олиши лозим бўлгани ҳолда спиртли ичимлик ичиб, жанжаллашиб, бировнинг умрига зомин бўлган маҳалла посбони О.Раҳимбердиев 8 йилга озодликдан маҳрум қилинди.

ОҒИЛХОНАДАН ЖАСАД ТОПИЛДИ

Совуқ хабар тез тарқалади. Қишлоқда Ойниса (исмлар ўзгартирилган) холанинг невараси йўқолгани ҳақидаги гап бир зумда болалаб кетди. Эшитганнинг бари ўзича тахмин қилиб, хулоса ясайди. Таътил пайти эмасми, болалар ҳам анча бўш қолган. Вали тенгқурларига нисбатан ишонувчан, жуссаси ҳам кичикроқ. Отаси хорижга ишлашга кетган, опаси билан онаси ишда бўлади. Уйда ёлғиз қолган Вали ўзининг жониворларига қараш билан банд. У уйида тошбақа, қуён ва парранда боқади. Баъзан бувисиникига бориб келади.

Бир куни Вали қуён сотиб олмоқчи бўлди, лекин пули етмади. Қўшниси Фарҳодникига ўтди. Фарҳод Валидан тўрт ёш катта. Ўқишни давом эттирмади, ҳеч қаерда ишламайди. Қисқаси, уй қоровули деса ҳам бўлади.



— Қанча етмаяпти?

— 10 минг сўм.

— Қачон қайтарасан?

— Кечга олиб келаман.

Фарҳод "пулни қайтарганингда оласан" деди-да, Валининг кепкасини олиб қолди.

Орадан бир неча кун ўтиб, Вали бошқийимини сўраб, қўшнисиникига чиқди. Уйда Фарҳоддан бошқа ҳеч ким йўқ эди.

— Нима дегандим сенга, пулни берсанг оласан кепкангни, — деди қўрслик билан Фарҳод.

— Еб кетмайман, бераман пулингизни. Фақат бугун эмас, кепкани беринг.

Вали бош кийимини қайтаришни талаб қилавергач, Фарҳоднинг жаҳли чиқди. Шу пайт хаёлидан яшин тезлигида шум фикр ўтди.

— Ана, оғилхонада турибди, — деди дабдурустдан.

Вали шу томон юрди, Фарҳод ҳам унга эргашди. Оғилхонада улар яна тортишиб қолишди. Кепкасини олишдан умидини узган Вали оғилхонадан чиқиб кетаётганида Фарҳод орқасидан бориб, бўға бошлади. Вали ҳушидан кетди. Ўзини бошқаролмай қолган Фарҳод янада ғазабга минди. Ерда ётган тросни олиб, яна Валини азоблашга тушди. Унда ҳеч қандай тириклик аломати қолмагандан кейингина жасадни бир бурчакка яшириб қўйди.

Алишер ЮСУПОВ,
Самарқанд вилояти прокуратураси бўлим бошлиғи

Кеч тушса ҳам Валидан дарак бўлмагач, онаси билан опаси қидириб топишолмади. Ойниса хола бу хабарни эрталаб эшитди. Келини ИИБга хабар берди. Валининг бувиси ҳам, опаси ҳам бир неча марта Фарҳодникига келиб, суриштириб кетишди. Кейинги гал ИИБ ходимлари билан биргаликда келишди. Фарҳод шунда ҳам сир бой бермади. Улар кетгач, ишга киришди. Оғилхона бурчагидан ҳандақ қавлаб, мурдани кўмди, устига шу ердаги тахталарни қалаштириб ташлади.

Қанчалик уринмасин Фарҳод ички ишлар ходимларининг назаридан четда қолмади. Қилни қирқ ёрадиган соҳа ходимлари Фарҳодни сўроқ қилишганида, у қилган ваҳшийлигини тан олди.

Суд ҳукми билан Фарҳод 15 йилга озодликдан маҳрум этилди.

Инсон орзу-ниятлар билан тирик. Кўзлаган эзгу мақсади ҳаётининг мазмуни бўлган киши эса бундай ёвузликка асло қўл урмайди. 21 баҳорни қаршилаган навқирон ёшдаги Фарҳоднинг бундай қабиҳликка қўл уришининг асл сабаби унинг маънан қашшоқлиги десак, хато қилмаймиз.

АҚШ ҳукумати келгуси беш йил давомида мамлакатимиз таълим тизимини қўллаб-қувватлаш учун 50 миллион доллар маблағ ажратади.

FAOLIYATIDAN

Мажбурий ижро бюросининг Сурхондарё вилояти бошқармаси ва Олтинсой тумани бўлими томонидан тумандаги электр таъминоти корхонаси ва почта бўлими ходимларининг жиноий ҳаракатлари аниқланди.

Электрон имзо орқали ўғирлик

Нуриддин ЧОРИЕВ,
МИБ Сурхондарё вилояти бошқармаси инспектори

Электр таъминоти корхонаси ва почта бўлими ходимлари жиноий тил бириктириб, 2017 йил август ойидан 2019 йил май ойига қадар фуқаролардан электр тўлови учун деб нақд пулни йиғиб олиб, уларга квитанция беришган. Нақд пулни эса киритмасдан, шахсий эҳтиёжлари учун ишлатиб юборишган. Жиноятни яшириш ва жавобгарликдан қутулиб қолиш мақсадида "Электрҳисоб" ПК дастуридан электрон рақамли имзо орқали 150 кишининг ҳисоб варағидаги пулдан 53,1 миллион сўмини ҳеч қандай ҳужжатсиз ўзлаштириб юборишган ҳамда фуқароларни пул тушириб берилганига ишонтиришган.

Мазкур ҳолат юзасидан айбдорларга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, ҳуқуқий чоралар кўрилди.



«Газ заправка»нинг найранги

Дилшод АРИПОВ,
МИБ Самарқанд вилояти бошқармаси катта инспектори

Мажбурий ижро бюроси Пастдарғом тумани бўлими томонидан мутахассислар билан ҳамкорликда "Жума" газ тақсимлаш станциясида жойлашган "Жасорат" масъулияти чекланган жамиятига қарашли автомобилларга газ тўлдириш шохобчасида ўрнатилган электрон газ ҳисоблагич хотирасидаги маълумотлар ўрганилди.

Текширишда электрон газ ҳисоблагич параметрларига ташқи таъсир кўрсатилгани натижасида 2019 йил 1 апрелдан 2019 йил 10 апрелга қадар босимлар фарқи бўйича кам кўрсатаётгани аниқланди. Хуллас, шохобчадаги электрон газ ҳисоблагич бузилгани исботини топди. Бунинг оқибатида газ ҳажми нотўғри ҳисоб-китоб қилиниб, давлатга 88 миллион 401 минг сўмлик зарар етказилган.

Қилмишини англаб етган масъулияти чекланган жамият раҳбарлари етказилган зарарни тўлиқ тўлашди.

Кредитни вақтида тўламаган эди...

Қорақалпоғистон пойтахти Нукус шаҳрида жойлашган «Otel Nukus» масъулияти чекланган жамияти «Қишлоқ қурилиш банк»нинг Нукус филиалидан олган кредитини ўз вақтида қайтармаган.

Муҳаббат ЮСУПОВА,
МИБ Нукус шаҳар бўлими инспектори



Бу бўйича Бухоро вилояти иқтисодий судининг ижро варақасига асосан Мажбурий ижро бюросининг Нукус шаҳар бўлими томонидан ижро ҳаракатлари олиб борилди. Жамиятга ижро талабларини бажариш учун 15 кун муҳлат берилди. Аммо МЧЖ қарзини ихтиёрий тўлаш муддати тугаётгани ҳақида бир неча марта огоҳлантирилганига қарамай қарздорликни бартараф қилмаган.

Натижада унга тегишли мулклар ўрганилиб, Нукус шаҳри Қорақалпоғистон кўчасида жойлашган меҳмонхонаси ва қаҳвахонаси хатланиб, жами 3 миллиард 900 миллион сўмга баҳоланди.

Табиийки, хатланган мулк электрон онлайн савдо майдончасида сотилди ва МЧЖнинг 3 миллиард 338 миллион 254 минг сўмлик банк қарзи тўлиқ тўланди.

Баъзи оталарга бурчини англаши учун албатта туртки керак бўлади. МИБ ташкил этилгандан бери юзлаб оталарга фарзанди олдидаги бурчи эслатилиб, тўланмай қолган алиментлар ундириб берилаяпти. Албатта, ҳар бир бола ота-онаси бағрида улғайишга ҳақли. Аммо буни тушуниш учун айрим кишиларда бир чимдим маънавият етишмайди.

Жавобсиз қолган савол

Ҳалим ЖАМОЛОВ,
МИБ Бухоро шаҳар бўлими давлат ижрочиси

Жондор туманининг Кўлиён қишлоғидан Бухоро шаҳрига келин бўлиб келган Мўътабар Ҳакимованинг (исм ва фамилиялар ўзгартирилган) турмуш ўртоғи Козим Саидов билан ажрашиб кетиш хаёлида ҳам йўқ эди. Аммо...

Фуқаролик ишлари бўйича Бухоро туманлараро судининг 2014 йил 23 октябрдаги ижро ҳужжатига биноан 2011 йилда туғилган фарзанди таъминоти учун 2014 йилдан 2019 йил 1 сентябргача тўланмаган 31 миллион 360 минг 456 сўм алимент пули ундириб берилди.

Фарзанди эҳтиёжи учун керакли маблағ энди бор. Бироқ бу пул ота меҳрининг ўрнини боса оладими? Бу савол ҳар галгидек жавобсиз қолди.

Хатони англаш ҳам муҳим

Суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотлар фуқароларни ҳар бир ҳолатга масъулият билан ёндашишга ўргатмоқда.

Нигора КЕНЖАЕВА,
МИБ Навоий вилоят бошқармаси инспектори

2019 йилнинг ўтган даврида Мажбурий ижро бюроси Навоий шаҳар бўлими томонидан учта ҳолатда маъмурий баённома расмийлаштирилиб, шаҳар маъмурий судига юборилди. Жумладан Навоий шаҳрида яшовчи Э.Ф. вояга етмаган фарзандининг таъминоти учун ойлик даромадининг 1/4 қисми миқдоридаги алимент пулини 9 ой давомида тўламагани сабабли МИБ Навоий шаҳар бўлими давлат ижрочиси тўлдирган маъмурий баённомага асосан Навоий шаҳар маъмурий суди томонидан унга нисбатан 15 сутка маъмурий қамоқ жазоси қўлланди. Фарзандининг моддий таъминоти ва тарбиясига бефарқ бўлган бу шахс қилмишининг ҳуқуқий оқибатини ўз вақтида англаб етгани ва иш юритиш жараёнида алимент бўйича қарзини тўлагани учун муддатидан олдин озод қилинди.

Ўзгаришлардан кўзланган асосий мақсад фуқароларни жазолаш ёки таъқиб қилиш эмас, балки фарзандларининг тақдирига бефарқ бўлмасликка ўргатиш, кекса ота-онасини қаровсиз қолдириш биз яшаётган юртнинг қадриятларига зид эканини тушунтиришдир.

Ҳаётнинг ўн беши қоронғи бўлди

Дилшод АВЕЗОВ,
МИБ Вобкент тумани бўлими давлат ижрочиси

Оила масъулиятини ҳамма ҳам бирдай тушунавермайди. Шунинг учун кўплаб оилалар парокандаликка юз тутмоқда. Боланинг таълим-тарбияси ва таъминоти ҳам долзарб масала бўлиб қолмоқда.



Фуқаролик ишлари бўйича Пешку туманлараро судининг С.Шариповдан Ф.Бақоевага вояга етмаган фарзандининг таъминоти учун алимент ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжати бюронинг Вобкент туман бўлимига келиб тушган.

Сардорбек тайин бир ишда ишламагани сабабли алимент тўламасдан юрарди. У кўп огоҳлантирилган бўлишига қарамай бу унга кор қилмади.

Хуллас, Сардор Шарипов 7 миллион 56 минг сўм алиментни икки ойдан ортиқ муддат тўламагани боис суднинг қарорига кўра унга нисбатан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 47^4-моддасига мувофиқ 15 сутка маъмурий қамоқ жазоси белгиланди. Қарздор ота кеч бўлса-да, қонун талабини тушуниб, алимент пулини тўлиқ тўлаб берди.

Уч ота қамалди... Нега?

Худойберди РАЖАБОВ,
МИБ Музработ туман бўлими бошлиғи ўринбосари

Яқинда Музработ туман маъмурий судида фарзандларининг моддий таъминотидан бўйин товлаб келган 3 нафар отага нисбатан 15 сутка маъмурий қамоқ жазоси қўлланилди.

Улар оталик мажбуриятини унутиб, ойлар ва йиллар давомида алимент тўлашдан бўйин товлаб келишгани сабабли катта миқдордаги қарздорликлар юзага келган. Хусусан, туманнинг "Гулобод" маҳалласида яшовчи Шоҳасан Аминов бир нафар фарзандининг алимент пулини тўламасдан келгани сабабли унинг қарздорлиги жорий йилнинг сентябрь ойига қадар 5 миллион 640 минг сўм, "Дарбанд" маҳалласида яшовчи Фаррух Норқуловнинг алимент қарздорлиги 4 миллион 352 минг сўм ҳамда туманнинг "Файзиобод" маҳалласида яшовчи Баҳром Низомовнинг 2 нафар фарзанди учун тўланиши лозим бўлган алимент пуллари 36 миллион 445 минг сўмга етган.

Мажбурий ижро бюросининг Музработ туман бўлими томонидан алимент қарздорлигини тўламаган оталарга нисбатан тўпланган ҳужжатлар тегишли тартибда ҳал қилиш учун туман маъмурий судига юборилган ва уларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 47^4-моддасига асосан 15 сутка маъмурий қамоқ жазоси белгиланган.

Уларнинг 15 сутка маъмурий қамоқни ўтаб чиқиши алимент қарздорликларини тўлашдан озод қилинади дегани эмас.

Ўзбекистонда илк бор юра давригача бўлган қатламлардан газ олинди.

МУБОРАКБОД ЭТАМИЗ!



Прокуратура органлари тизимида кўп йиллар хизмат қилиб, юртимизда қонунийликни мустаҳкамлашга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган инсон, прокуратура фахрийси Надежда Маслова табаррук 75 ёшни қарши олмоқда.

У прокуратура органлари тизимидаги 46 йиллик меҳнат фаолияти давомида турли лавозимларда самарали хизмат қилиб, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш каби касбий вазифаларни бажаришга масъулият билан ёндашди.

Самимийлик ва фидойилик каби фазилатлари билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари орасида ҳурмат қозонди.

Бугун сафимизга кириб келаётган ёш ҳуқуқшунос ходимлар уни амалий тажрибаси ва касб маҳорати сирларини сидқидилдан ўргатган тажрибали мураббий, меҳрибон устоз сифатида юксак қадрлайди.

Надежда Маслованинг узоқ йиллик меҳнат фаолияти ҳуқуматимиз ва прокуратура раҳбарияти томонидан муносиб баҳоланиб, "Дўстлик" ордени ва "Прокуратуранинг фахрий ходими" кўкрак нишони билан тақдирланган.

Ҳурматли Надежда Григорьевна, таваллуд айёмингиз муборак бўлсин! Сизга ва оила аъзоларингизга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, хонадонингизга файзу барака тилаймиз!

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси ва Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик Маркази

Келгуси сонда ▶

Пойтахтдаги нуфузли университетга кирган йигит нега отасининг қотилига айланди?..

MUNOSABAT



БИЗДА МИБ, ХОРИЖДА-ЧИ?..

Садик ЖАНДУЛЛАЕВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги МИБ бошқарма катта инспектори

Мажбурий ижро бюросининг асосий вазифаларидан бири суд ва бошқа органлар ҳужжатларининг сўзсиз ижросини таъминлашдир. Ўтган давр мобайнида бюро томонидан бу борада салмоқли ишлар қилинди. Бу борада дунё давлатлари амалиёти қандай деган савол туғилади. Айниқса, АҚШ, Россия ва Европа иттифоқи давлатлари амалиёти кўпчиликни қизиқтиради.

АҚШ давлат органлари тизимидаги ижро ишини юритишга ваколатли идора ва шахслар ташкилий тузилмаси бошқа давлатларникидан фарқ қилади. Яъни, мажбурий ижро ҳаракатларини шериф ва унинг ўринбосарлари, маршаллик хизмати ҳамда хусусий агентликлар (коллекторлар) амалга ошириши мумкин. Шундан маршаллик хизмати (U.S. Marshals Service) Бош прокурорга бўйсунувчи, президент томонидан тўрт йилга тайинланувчи директор раҳбарлигидаги марказлашган давлат органи ҳисобланади. Ҳозир АҚШ ҳудудида 94 нафар маршал ва 4000 дан ортиқ ташкилий ходимлар фаолият юритмоқда.

Шунингдек, фуқароларга суд қарорининг мажбурий ижросини таъминлашда танлаш имконияти берилган. Штатларда махсус хусусий агентликлар ташкил этилган. Ундирувчи шахс ижро ҳужжатини ижро этиш бўйича агентлик билан шартнома тузади ва суд томонидан рўйхатдан ўтказилгач, мажбурий ижрога қаратади. Шу орқали давлат органларининг иши енгиллаштирилган.

Россияда эса ижро ишини юритиш вазифаси Суд приставлари федерал хизматига юклатилган. Ушбу орган Россия адлия вазирлигининг ташкилий тузилмаси ҳисобланади. Асосий йўналишлари суд, бошқа органлар ва мансабдорларнинг ҳужжатларини ижро этиш, бу борада электрон маълумот алмашувини йўлга қўйиш ҳамда қарзни ундирувчи юридик шахсларни (коллекторларни) давлат рўйхатидан ўтказиб, уларнинг фаолиятини назорат қилиш ҳисобланади.

Ўзбекистон Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси томонидан ҳозир ушбу давлатлар амалиёти ўрганилиб, тажриба алмашиш, кадрларнинг билимини ошириш бўйича учрашувлар ташкил этилмоқда. Жумладан, Суд приставлари федерал хизмати билан бир қанча қўшма семинарлар ўтказилди. Келгусида соҳа бўйича бошқа давлатлар тажрибасини ўрганиш ва ижро ишини юритишнинг замонавий йўналишларини ўзлаштириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши кутилмоқда.

Жаримани нақд пулда тўлаш жиноятми?

Давлат секторида коррупциянинг тарқалиши бўйича дунё мамлакатларининг 2018 йилги рейтингида Германия 11-ўринда қайд этилган. Мазкур натижа коррупцияга қарши курашишда ушбу мамлакат тажрибаси илғор эканини тасдиқлайди.

Тошкентда 27 сентябрь куни Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон миллий маркази ва Германиянинг Фридрих Эберт номидаги жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилган давра суҳбатида депутатлар, давлат ҳокимияти, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари ана шу тажрибанинг ҳуқуқий асослари ва амалий жиҳатлари билан танишди.

Давра суҳбатида Германиянинг собиқ адлия вазири Херта Дойблер Гмелин хоним Германиянинг антикоррупциявий механизми кучли қонунчилик, очиқ фуқаролик жамияти, жамоатчилик назорати ва ОАВ эркинлигига асосланишини таъкидлади. Мисол учун, Германияда қизил чироқдан ўтган ҳайдовчига 100 евро жарима белгиланади. Энг асосийси, қоидабузар жаримани ҳодиса жойида зудлик билан ва фақат банк ҳисобраҳами орқали тўлаши лозим. Агар ҳайдовчи жаримани нақд пулда тўласа ва йўл-патруль хизмати ходими уни олса, иккаласи ҳам жавобгарликка тортилади.

> *Агар ҳайдовчи жаримани нақд пулда тўласа ва йўл-патруль хизмати ходими уни олса, иккаласи ҳам жавобгарликка тортилади.*

Ёки яна бир мисол: Германиянинг собиқ президенти Кристиан Вульф ноқонуний молиявий даромад олишда айбланиб, 2012 йилда ўз лавозимини тарк этган эди. Вульфга қарши сўнгги тергов иши унинг дўсти, кинопродюсер Девид Грёневольдга тақалиб, ишбилармон собиқ президентнинг меҳмонхона харажатларини ўз ҳисобидан тўлаган эди. ОАВ, кенг жамоатчилик ушбу ҳодисани коррупцияга боғлаган.

Давра суҳбатида Ўзбекистоннинг антикоррупциявий механизми Германия тажрибаси билан қиёсий таҳлил қилинди.

Мамлакатимизда қисқа вақт ичида коррупцияга қарши курашишнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштиришга оид бешта ҳуқуқий ҳужжат, жумладан, "Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисида"ги, "Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида"ги, "Жамоатчилик назорати тўғрисида"ги, "Давлат харидлари тўғрисида"ги қонунлар қабул қилинди. Шунингдек, Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси ташкил этилди. Коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат дастури тасдиқланган. Адлия вазирлиги коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақидаги хабарлар ўз вақтида етказилишини таъминлаш мақсадида Telegram ижтимоий тармоғида махсус ботни ишга туширган. Коррупцияга қарши курашишда фуқаролик жамияти институтларининг ролини оширишга ҳам катта эътибор қаратилмоқда.

Тадбирда мамлакатимизда антикоррупциявий механизмни такомиллаштириш масалалари муҳокама қилинди. Коррупцияга қарши курашишда парламент назорати, суд амалиёти каби мавзуларда маърузалар тингланди.

ЎзА

REKLAMA

«Samarqand mulk markazi» МЧЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 31 декабрдаги 343-қарорига мувофиқ ҳамда "Ўзбекистон почтаси" АЖ Самарқанд филиалининг 2019 йил 25 сентябрдаги 29-35-05-01/1142-буюртманомасига асосан Самарқанд шаҳри Рўдакий кўчаси 3-уйда сақланаётган қуйидаги автомашиналар қўйилмоқда:

1) **"Дамас" автомобили.** 2004 й. и/ч, д/б 30 185 GAA, т/н. Б.б. — 9 622 543 сўм; 2) **"Дамас" автомобили.** 1996 й. и/ч, д/б 30 194 GAA, т/н. Б.б. — 5 900 974 сўм; 3) **"Дамас" автомобили.** 2005 й. и/ч, д/б 30 189 GAA, т/н. Б.б. — 9 997 312 сўм.

Аукцион савдоси 2019 йил 4 ноябрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Ушбу автомашиналар 4 ноябрь куни сотилмаган тақдирда **такрорий савдо 11, 18 ва 25 ноябрь** кунлари соат 11:00 да ўтказилади. Аукционда иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишига бир кун қолганда соат 18:00 да тўхтатилади. Савдо ғолибига 10 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Талабгорлар автомашина бошланғич баҳосининг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "Ипотека-банк"нинг Кўксарой филиалидаги 20208000804942465001 (МФО:00262, ИНН:302129857) ҳисоб рақамига тўлаши шарт.

Савдо ўтказиладиган манзил: Самарқанд шаҳри Маҳмуд Кошғарий кўчаси 58-уй (2-қават).

Телефон: (66) 233-80-13. Гувоҳнома №05496.

Хизматлар лицензияланган

HUQUQ
YURIDIK GAZETA

MUASSIS:
O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

BOSH MUHARRIR:
Jahongir MAKSUMOV

TAHRIR HAY'ATI:
Erkin YULDASHEV
Halim BOLTAYEV
Sodiqjon NAZAROV
Hayot SHAMSUTDINOV
Utkirjon DEXKANOV
Maqsudali QAMBAROV

TAHRIRIYAT MANZILI:
Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.
Telefon: 233-98-40,
Faks: 233-10-53, 233-64-85

www.huquq.uz
info@huquq.uz

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqriz qilinmaydi va egalariga qaytarilmaydi. Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.
«HUQUQ» materiallari ko`chirib bosilganda manbaa sifatida gazeta nomi ko`rsatilishi shart.
[1] — tijorat materiali.

Buyurtma v-3803.
16 309 nusxada bosildi.
Qog'oz bichimi A-3, hajmi 3 bosma toboq.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.

Navbatchi muharrir: F.YODGOROVA
Sahifalovchi: S.BOBOJANOV

Gazeta haftaning payshanba kuni chiqadi.
Sotuvda kelishilgan narxda

Nashr ko'rsatkichi 231

Gazeta «O`zbekiston» nashriyot matbaa ijodiy uyida chop etildi.
Korxona manzili: Toshkent shahar, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00.
Topshirildi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta O`zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2009-yil 12-oktabrda 0188-raqam bilan ro`yxatga olingan.

ISSN 2010-7617

Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш тартибига ўзгартиришлар киритилди.



Заҳмат, эътироф ва миллионлар

Хабарингиз бор, Россиянинг Екатеринбург шаҳрида бўлиб ўтган бокс бўйича жаҳон чемпионатида юксак натижаларга эришган бир гуруҳ спортчи ва мураббийлар Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 27 сентябрдаги фармонига мувофиқ фахрий унвон ва медаллар билан тақдирланган эди.

30 сентябрь куни Кўксаройда ана шу мукофотларни топшириш маросими бўлиб ўтди. Маросимда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, спорт федерациялари раҳбарлари, боксчиларнинг ота-оналари қатнашди.

"Бу галаба "Ўзбекистон бокс мактаби", "Ўзбекистон боксчилари" деган сўзларни жаҳон спорти тарихига олтин ҳарфлар билан муҳрлаб қўйди. Энди Ўзбекистон боксчиларини, ўзбек бокс мактабини тан олган ҳам тан олади, тан олмаган ҳам тан олади. Энди "Ўзбекистон", "ўзбекистонлик" деса, манаман деган боксчилар ҳам ўйлаб рингга тушадиган бўлади", - деди Шавкат Мирзиёев.

Шунингдек, пойтахтимиздаги Олимпия шон-шуҳрати музейида жаҳон чемпионатида шоҳсупага кўтарилган боксчилар ва уларнинг мураббийларини тақдирлаш маросими ўтказилди. Унда бу спортчилар ва уларнинг мураббийларига Президент совғаси — пул мукофоти ва автомобиллар топширилди.

Жумладан, чемпионатнинг олтин медалини қўлга киритган ҳар бир боксчи 12 минг АҚШ доллари ва "Tracker" автомобили, кумуш медаль соҳиби 6 минг АҚШ доллари ҳамда "Gentra" автомобили, бронза медаль совриндори 3 минг АҚШ доллари ва "Nexia 3" автомобили билан тақдирланди.

Шунингдек, олтин медаль совриндорларининг мураббийлари 6 минг АҚШ доллари, кумуш медални қўлга киритган боксчимиз мураббийи 3 минг АҚШ доллари, бронза медалга сазовор бўлган спортчимиз мураббийи 1500 АҚШ доллари билан мукофотланди.

Албатта, бу рағбатлар спортчи ва мураббийларимизга куч, шижоат беради. Келгуси йили Японияда бўлиб ўтадиган олимпиадада ҳам ўзбек ўғлонларига муваффақият тилаймиз.

Шу ўринда футболчиларимизга мурожаат: ўрган, "студент!".

Франция полицияси икки теннисчини қўлга олди

Франция полицияси икки нафар теннисчи — Альбина Хабибулина ва Ксения Палкинани қўлга олди. Улар келишилган ўйинларда гумонланмоқда.



Ушбу ҳибсга олишлар Франциядаги мусобақаларда келишилган ўйинларни аниқлаш бўйича олиб борилган йирик суриштирувнинг бир қисмига айланди. Бу ҳақда Gotennis хабар бермоқда.

L'Equipe маълумотига кўра, аввалроқ Хабибулина март ойида Гоннесдаги турнирда ўтказилган ўйинда атайин мағлуб бўлганини тан олган. Палкина эса у ва пул тикадиган одамлар ўртасида воситачилик қилишда гумонланмоқда. Франция расмийларининг спортчиларга бўлган эътиборини шубҳали пул тикишларни пайқаган британиялик букмекерлар жалб қилди.

Суриштирув туфайли Хабибулина ва Палкина жуфтликда ўйнаши керак бўлган Клермонт-Феррандаги ITF мусобақасида иштирок этмайдиган бўлди.

Аввалига қўлга олинган теннисчилардан бири - Альбина Хабибулина Ўзбекистон фуқароси эканлиги айтилган эди. Ўзбекистон ташқи ишлар вазирлиги ушбу ҳолат бўйича изоҳ берди.

Вазирликда таъкидланишича, Хабибулина 2017 йил августдан бери Ўзбекистон фуқароси ҳисобланмайди.

Ўйин вақтида тунашди

Дам олиш кунлари Ла Лига доирасида турнинг марказий ўйини, яъни Мадрид дербиси бўлиб ўтди. Мазкур баҳс кутилганидек, кескин ва муросасиз ўтмади. Бироқ бу ўйин билан боғлиқ ғалати ҳолат рўй берди.

Гап шундаки, марказий ўйинда иштирок этган "Реал" Мадрид клуби Каземиро майдонда жавлон уриб тўп тепаётганида, унинг уйида ўғрилар ҳам "жавлон уришаётган" эди. Оддий қилиб айтганда, унинг уйини тунаб кетишди.

Ўғрилик вақтида Каземиронинг хотини ва қизи уйда бўлган. Уларга ҳеч қандай шикаст етказилмаган.

El Chiringuito хабарига кўра, Каземиро Мадриднинг нуфузли мавзеларидан бўлмиш Ла Моралехада яшайди. Бу мавзеда яшовчи футболчиларнинг уйига ўғри тушиши биринчи марта кузатилаётгани йўқ.



18 ёшга тўлмаган жавоҳирлар

Transfermarkt ўзининг инстаграм саҳифасида 18 ёшгача бўлган жаҳоннинг энг қиммат ўйинчиларининг рўйхатини тузиб чиқди.

Рўйхатнинг биринчи поғонасида 16 ёшли гвинеялик ҳужумчи, "Барселона" клуби аъзоси Ансу Фати бормоқда. Унинг трансфер баҳоси 25 миллион евро этиб белгиланди. "Манчестер Юнайтед" жамоаси ҳужумчиси Мейсон Гринвуд кучли бешликдан жой олган. Унинг трансфер нархи 10 миллион евро деб баҳоланмоқда.



Шева «Милан»га қайтиши мумкин

Италиянинг "Милан" клуби ўз афсонасини ортга қайтариш ниятида. Айни дамда жамоа бош мураббийлиги учун номзодлар кўриб чиқилмоқда. Асосий даъвогардан бири эса Андрей Шевченко бўлиб турибди.

Мавсумнинг омадсиз старти сабаб "Милан" клуби раҳбарияти жамоа бош мураббийи Марко Жампаолони ишдан олиши кутилмоқда. Хабарларга кўра, клуб Жампаолога вазиятни ўнглаш учун ё бир ҳафта муҳлат беради ёки янги мураббий билан музокараларга киришади.

Эслатиб ўтамиз, Шева айни дамда Украина терма жамоаси бош мураббийи ҳисобланади.





Маррага тоби қочган рақиб билан

Доҳада енгил атлетика бўйича бошланган жаҳон чемпионатининг 5000 метрга югуриш бўйича саралаш босқичида гвинеи-бисаулик югурувчи Браима Сункар Дабо ўзини ёмон ҳис қилган Аруба вакили Жонатан Басбига маррагача етиб олишда кўмаклашди.

Арубалик спортчи югуриш вақтида дим ҳаво сабабли ўзини ёмон ҳис қилиб, масофада зўрға ҳаракатланган ва маррага ўзи етиб бориши даргумон бўлган. Охирги давра бошида гвинеи-бисаулик спортчи рақибини қўлидан тутиб, унга марра чизиғини кесиб ўтишда ёрдам берган. Икки спортчи томошабинлар олқишлари остида маррага биргаликда келишган. Ҳа, спортнинг асл мақсади ҳам шу – чин инсонийлик.

Голиблик эса масофани 13 дақиқа 24,69 сонияда югуриб ўтган эфиопиялик Селемон Барегага насиб этган. Дабонинг натижаси эса 18 дақиқа 10,87 сонияни ташкил қилган. Арубалик спортчи кўрсатган вақт эса ҳисобга олинмаган.

Чемпионат 6 октябргача давом этади.



Қамоқдан чиққан Мамаев «Ростов»да

«Краснодар» клубининг собиқ ярим ҳимоячиси Павел Мамаев фаолиятини «Ростов» жамоасида давом эттирадиган бўлди.

31 ёшли футболчи ростовликлар билан «2+1» схемасида шартнома имзолади. Футболчи «Динамо»га (3:0) қарши ўйиндан сўнг «Ростов» мухлисларига таништирилди.

Эслатиб ўтамиз, Павел Мамаев 2018 йилнинг октябрь ойида Москвада иккита муштлашувда иштирок этиб, 1 йилу 5 ой қамоқ жазосига ҳукм қилинган эди. У жорий йилнинг сентябрида шартли равишда озодликка чиқарилган.

Неймарга яна бир жиддий даъвогар



Лондоннинг "Челси" клуби 2020 йилнинг ёзида Франциянинг "ПСЖ" жамоаси форварди Неймарни сотиб олмоқчи. "Аристократлар" 27 ёшли футболчига рад этиб бўлмас таклиф юборишга тайёр.

Аниқроғи, лондонликлар Неймар учун "ПСЖ"га 300 миллион евро, унинг ўзига эса йилига 43 миллион евро маош таклиф қилишмоқчи. Агар ушбу келишув амалга ошса, Неймар сайёрамизнинг энг кўп маош олувчи футболчисига айланади.

Эслатиб ўтамиз, Неймар жорий ёз "Реал" ёки "Барселона"га ўтиши мумкин эди, бироқ "ПСЖ" уни қўйиб юборишни хоҳламади.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди

2 октябрдан Ўзбекистон миллий терма жамоаси Ж4-2022 саралаш баҳслари олдидан Тошкент шаҳрида йиғинга киришди. Вадим Абрамов шогирдлари 10 октябрь куни Яман, 15 октябрда эса Сингапурга қарши майдонга чиқади.